Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 141 (8. 339) ◆ 1993 йил 9 август, душанба Сотувда эркин нархда

Барвақт тугаллашади

МИРЗО Улуғбек туманида мустақиллик байрамолди юмушлари ниҳоятда қизиган. Ҳар куни кеч соат еттида туман ҳокимлигининг кичик мажлислар хонасида байрамга тайёргарлик кўриш комиссияси аъзоларининг йиғилиши ўтказилиб турибди. Унда кунлик қилинган ишлар муҳокама этилиб, эртанги режалар белгилаб олинмоқда.

Байрам шодиёналари тумандаги 9 та ўрамда бошланиб, маҳалла марказларида, турли муассаса ва корхоналарда давом эттирилади. Мустақиллигимизнинг икки йиллиги тантаналарига безак ва бошқа қурилиш ишларини барвақт тугаллаб, шодиёнани қарши олишга тайёр туриш кўзда тутилган. Шу боис ҳам бугунги кундаги ҳар бир дақиқа ғанимат эканлигини тумандаги ҳар бир фуқаро яхши билади.

Кўча ва боғларда ободончилик ишларини жонлантириш, тантана майдонларини безаш қўнгилдагидек олиб борилмоқда. Айниқса, Олимлар шаҳарчасидаги шарқшунослик илмий-текшириш институти олдида Мирзо Улуғбек ҳайкалини ўрнатиш борасидаги ўзбеклар одатича ҳашар ишларида туманнинг юзлаб фуқаролари қатнашмоқда.

Улуғ олим ва мутафаккир Мирзо Улуғбек сиймоси қад ростлаётган жойнинг ўзида қароргоҳ тузилиб, ишлар режа асосида олиб борилаётгани иш унумини оширмоқда. Бу ердаги ишбошилардан бири Абдумуталлиб Абдуллаев амалга оширилаётган жадал ишлар хусусида тўлқинланиб шундай дейди:

— Ҳар куни бу ерда 100 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Шаҳар йўл қурилиши трестининг 1, 2 ва 4-қурилиш бошқармалари, Ирригация тресті, 1-Тошкент тиклаш бошқармасқ ва тумандаги барча техниқумлардан ёрдамга келганлар бир ёқадан бош чиқариб ишлашмоқда. Режамиз бўйича 15 августгача барча ишлар поёнига етиши керак.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ УЧРАШУВ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА РОССИЯ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

Илгари хабар қилганимиздек, 6 август куни Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Москвага Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарларининг учрашувида қатнашиш учун келди. Ёдингизда бўлса Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Алмати шаҳридаги учрашувлар чоғида йиғилиб қолган бир қатор муҳим сиёсий, иқтисодий масалаларни зудлик билан кўриб чиқиш мақсадида, учрашиб суҳбатлашиш учун Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарларига мурожаат йўллаган эдилар.

Икки Президент ташаббуси билан 7 август куни Москвада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Кенгашда Россия Президенти Борис Ельцин, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Асқар Ақаев, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Тожикистон Олий Кенгашининг Раиси Имомали Раҳмонов, шунингдек кузатувчи сифатида Туркманистон Президентининг шахсий вакили, республика Бош вазирининг ўринбосари Борис Шахмурадов иштирок этдилар.

Учрашувни ўтказишга бўлган эҳтиёж бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Бунинг иккита асосий сабаби бор ва улар учрашувга келган давлатларда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар тақдирини ҳал қилиш ҳамда Ҳамдўстлик хавфсизлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқдир.

Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, Ислом Каримов мазкур мулоқот ташкил қилинишининг ташаббускори бўлди. Бу билан у бошқа раҳбарларни музокаралар даврасига тўпланишга жалб қилди.

Эслатиб ўтамиз, Алматида Президент Нурсултон Назарбоев билан биргаликда қабул қилинган мурожаатномадан сўнг Марказий Осиё давлатлари ва Россия раҳбарлари Москвага йиғилишди.

Музокаралар кун тартибига иқтисодий ҳамкорлик муаммолари, афғон-тожик чегарасидаги тангликни бартараф этиш йўлларини белгилаб олиш масалалари қўйилди.

Даставвал, Ҳамдўстликнинг учта йирик давлати — Ўзбекистон, Россия ва Қозоғистон ўртасида олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтди. Уларда асосан иқтисодий масалалар муҳокама қилинди. Чунки рубль зонасидаги уч давлат бир-бирлари билан чамбарчас тарзда боғланиб, ҳозир юзага келиб қолган танг иқтисодий шароитда илгариги алоқалар узилиб қолганлиги сабабли мамлакатлар бир хил даражада зарар кўрмоқдалар. Таъминотдаги узилишлар, хом ашё тақчиллиги, охироқибат корхоналар ва ҳатто иқтисодиётнинг бутун бошли соҳаларининг ҳам тўхтаб қолишига олиб келмоқда.

Россия Марказий банкининг эски намунадаги пулларини янгиларига алмаштириш ҳақидаги қарори ва бу талабни амалга оширишнинг мантиқи ва аниқ механизми йўқлиги рубль зонасидаги давлатлар иқтисодиётига ҳам салбий таъсир ўтказмоқда.

Шунинг учун ҳам, мамлакатларимиз раҳбарларига ўз муносабатларини узил-кесил аниқлаб олиши зарур эди. Қайси йўл билан ҳаракат қилишни белгилаб олишнинг фурсати етди. Қувончлиси шундаки, томонлар музокаралар чоғида муаммога холисона ёндошдилар. Натижада эндиги ҳаракатларнинг бош йўналиши ва дастури ҳақида бир битимга келинди.

Иккинчи масала муҳокамасига Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари қўшилишди. Бу масала муҳокамасида Туркманистон ҳукумат раҳбарининг ўринбосари кузатувчи сифатида иштирок этди.

Бу ўринда биз Президент Каримовнинг қўшни Тожикистон ва Афғонистондаги танг вазиятни барқарорлаштириш бўйича ташаббусларини эслатиб ўтишни лозим деб топдик. Ана шу талаблар самараси ўлароқ Ҳамдўстликнинг муҳим қарорларига келинган эди. Хабарингиз борки, Москвага ташриф арафасида Президентимиз тожик муаммосини ҳал қилиш бўйича ўз таклифларини эълон қилди. Улар мазкур йиғилишдаги музокараларда муҳим аҳамият касб этди ва қабул қилинган қарорларнинг асосини ташкил этди.

Учрашув қатнашчилари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига мактуб қабул қилдилар.

Москва учрашувларининг мантиқий якуни бешта муҳим ҳужжатнинг қабул қилинганлиги билан ифодаланди. Уларнинг бирида, роппароса бир ойдан сўнг Россия пойтахтида Ҳамдўстлик раҳбарларининг навбатдаги учрашувини ўтказиш кўзда тутилган. Бўлажак учрашув Ҳамдўстлик давлатларининг иқтисодий ҳамкорлик масалаларига бағишланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов 7 август куни Тошкентга қайтиб келди.

Боболаримиз томонидан асрлар оша асос солинган, зукко усталар қўлида сайқал топиб қад кўтарган меъморий обидаларнинг кўп қисми ҳозирги кунда таъмирталаб бўлиб қолди. Айни пайтда ана шу ёдгорликларни таъмирлаб, асл ҳолига келтиришда Ўзбекистон Республикаси маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва лойиҳалаш институти анча ишларни амалга оширишмоқда.

СУРАТЛАРДА: меъморлар Миробид Мирзараҳимов ҳамда Валера Кимлар тикланиши керак бўлган бино макетини кўздан кечиришмоқда; муҳандис Феруза Мирсаидова иш устида.

Абдужаббор Яҳёев суратлари.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

⊙ Тошкентда қурувчилар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бунёдкорларни касб байрамлари билан самимий муборакбод этди.

⊙ Нукусда Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг навбатдаги сессиясида 20 тадан кўпроқ муҳим масала муҳокама этилди. Қорақалпоғистон Вазирлар кенгашининг раиси Р. Йўлдошев республикани 1993—2000 йилларда ва 2005 йилгача даврда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида маъруза қилди.

⊙ Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Президент Ислом Каримовнинг «Янги уйни қурмай туриб, эскисини бузманг» китобининг муҳокамаси бўлиб ўтди.

⊙ Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасининг таъсис анжумани бўлиб ўтди. Ҳукумат бу жамғармага 500 миллион сўм ажратган. А. Мансуров жамғарма раиси этиб сайланди.

⊙ Шанба куни пойтахтдаги кўпгина меҳнат жамоаларида Ўзбекистон мустақиллик кунининг икки йиллигига бағишланган ҳашар ўтказилди. Унда ишлаб топилган маблағнинг асосий қисми «Соғлом авлод учун» жамғармасига ўтказилади.

ҲАМДЎСТЛИКДА

⊙ Россия ҳукумати ишлаб чиққан янги дастурга кўра иқтисодиётдаги танглик 1994 йил бошига бориб тугаши керак, 1996 йилда эса иқтисодиётнинг кўтарила бошланиши мўлжалланмоқда. Бу дастурда 90-йиллар охирига бориб иқтисодий ўсишни йилига 4—5 фоизга етказиш режаланяпти.

⊙ Тоғли Бадахшонда Тожикистон ҳукумат қўшинлари ва мухолифатчи кучлар ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтяпти.

⊙ Бишкекда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Марказий Осиё давлатларига хизмат кўрсатадиган минтақавий ахборот маркази очилди.

⊙ Грузия Вазирлар маҳкамаси Бош вазир Тенгиз Сигуа бошчилигида тўла таркибда истеъфога чиқди. Бунга мамлакат парламентининг ҳукумат томонидан тайёрлаган республика бюджети тўғрисидаги ҳужжатнинг рад этилганлиги сабаб бўлди.

⊙ Бугундан эътиборан Москвада халқаро телефон алоқаси хизмати учун тўланадиган ҳақ 2,5 бараварга оширилди.

⊙ Россия Президенти фармони билан ўз вақтида «пахта иши» бўйича 12 йил қамоққа ҳукм қилинган собиқ СССР ички ишлар вазирининг ўринбосари Юрий Чурбанов авф этилди. У қамоқда олти йилдан кўпроқ бўлди. Юрий Чурбанов ҳибсдан чиқиши биланоқ Москвага қайтиб келди.

ХОРИЖДА

⊙ Бугун Римда Тоғли Қорабоғ можаросини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгашининг «Минск гуруҳи» деб аталувчи ташкилотнинг мажлиси бўлиб ўтади. Унда Озарбайжоннинг Ағдам ва яқинда босиб олинган бошқа жойларидан боскинчиларни зудлик билан, тўла-тўкис ва бирор шартсиз олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги талаби кўриб чиқилади.

⊙ Эрон қўшинлари Ироқнинг шимолий қисмида мамлакат ҳудудига 20 километргача кириб бордилар. Техрон буни Ироқ ҳудудида яширинган Эронга мухолифатчи кучларнинг қуролли гуруҳларига қарши кураш олиб бориш зарурати билан изоҳлаяпти.

⊙ Япон парламентининг 103 йиллик тарихи мобайнида илк бор ғоят нуфузли парламент қуйи палатаси раиси лавозимига Социал-демократик партиянинг таниқли арбоби 65 ёшли хоним — Такако Дои сайланди.

⊙ АҚШ конгрессининг вакиллар палатаси бор-йўғи икки овоз кўпчилик билан Президент Билл Клинтон маъмуриятининг иқтисодий чора-тадбирлар режаларини маъқуллади. Унга кўра яқин беш йил мобайнида мамлакатда бюджет камомадини 496 миллиард долларга камайтириш кўзда тутилган. Бунинг учун солиқ миқдорлари оширилади ва ҳукумат харажатлари қисқартирилади.

⊙ АҚШ давлат котиби билан НАТО бош котиби собиқ Югославиядаги серблар қуролли кучлари эгаллаб турган жойларга ҳаводан зарба бериш эҳтимоли ҳақида келишиб олдилар.

⊙ Хитой жанубидаги Шэньчжень эркин иқтисодий зонасида кучли портлашдан сўнг чиққан ёнғин оқибатида 100 нафардан кўпроқ киши ҳалок бўлди.

⊙ Шахмат бўйича собиқ жаҳон чемпиони америкалик гроссмейстер Бобби Фишер Югославияда 14 ой бўлгандан сўнг бу мамлакатни яширин тарзда тарк этган. Маълумки, Югославияга қарши халқаро ҳамжамият жазо чораларини қўпол бузганлиги учун у АҚШда ўн йил қамоққа ҳукм қилиниши ва 250 минг доллар ҳисобида пул жаримаси тўлаши мумкин. Бобби Фишер қаёққа кетганлиги ҳозирча номаълум.

Бугунги кун нафаси

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

КУНИ кеча Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамасида узоқ йиллар ва самарали меҳнатлари эвазига Ўзбекистон Республикасининг юксак фахрий унвонларига сазовор бўлган кишиларга гувоҳномалар ва кўкракка тақиладиган нишонларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар Ҳокимининг ўринбосари Ш. И. Жалилов мустақил Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида фидокорона меҳнат қилаётган кишиларни чин дилдан муборакбод этиб, уларга эзгу тилаклар изҳор этди.

Мукофотланганлар орасида Республика хотин-қизлар комитети раисининг ўринбосари, хизмат кўрсатган маданият ходими Д. Н. Қобулова, республика халқ рассоми А. Т. Мирзаев, «Меҳржон» маданият ва истироҳат боғининг директори, хизмат кўрсатган маданият ходими С. М. Маматов, «Усто» бирлашмасининг директори, хизмат кўрсатган санъат арбоби А. З. Умаров, Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг бош режиссёри Р. М. Ҳамидов, 243-ўрта мактаб ўқитувчиси, хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Ю. Қ. Неъматов, 2-марказий касалхонанинг бош шифокори, хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими А. С. Бобожонов, болалар руҳий асаб касталиклари касалхонасининг бош шифокори, хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими И. А. Савельевалар бор эди.

Саид БОТИРОВ.

Қадр топаётган туйғу

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ Машраб маданият уйи қошида фаолият кўрсатаётган «Ёшлик» ашула ва рақс дастаси янги тайёрланган «Бир қуёш отмоқда бу ватан узра» деб номланган адабий-мусиқали композицияни намойиш эта бошлади. Мустақиллик байрамига бағишлаб тайёрланган мазкур концерт дастури Чилонзор туманидаги «Катта Қозиробод», «Дўмбиробод», Усмон Юсупов номли маҳаллаларда томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

Ҳаваскор артистлардан Абдурауф Зокиров, Собиржон Усмонов, Мухтор Шабаев, Маҳмуда Комилова, Дилором Мирзаевалар ижросидаги дилрабо куй ва қўшиқлар, жозибали рақслар барчага манзур бўлмоқда.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

БУГУНГИ кунда мустақил Ўзбекистон пойтахтида «Биз бозор иқтисодиёти шароитида ишлашни хоҳлаймиз ва ишлай оламиз» деган корхоналар кун сайин ортиб бормоқда. «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам шулар сирасига киради.

Ҳўш, нимага бирлашма ишчи ва хизматчилари буни ишонч билан таъкидламоқдалар? Бундан уч йил муқаддам корхонада махсус ташаббускор гуруҳ тузилганди. Гуруҳнинг вазифасига бозор иқтисоднёти шароитида ишни ташкил қилиш ва бошқа юмушлар кирган эди. Улар чет элдаги корхонага яқин фирмалар тажрибасини ўргана бошлашди. Мутахассисларга учрашиб, улар билан маслаҳатлашишди. Натижада бирлашмани бозор муносабатларида ишлаш учун уни техника жиҳатидан қайта жиҳозлаш керак, деган фикрга келинди. Бу — корхонага замонавий машина ускуналар ўрнатиш ва янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни тақозо қиларди.

Бирлашма электрон қисм ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни тўхтатгани йўқ. Лекин корхонада ҳозир халқ истеъмол буюмлари тайёрлашга эътибор айниқса ортди.

Бирлашма электрон қисм ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни тўхтатгани йўқ. Лекин корхонада ҳозир халқ истеъмол буюмлари тайёрлашга эътибор айниқса ортди.

Бирлашма Ўзбекистон ҳи эса фақат ўзимизда эмас, балки чет эл мутахассисларини ҳам қизиқтириб қолди. Бундан ташқари корхона кўплаб болалар мусиқа асбобларини ишлаб чиқаради.

Бирлашма Ўзбекистон

** Бозор тадбиркорликни ёқтиради*

ХОРИЖИЙ ШЕРИКЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Натижада корхона қисқа муддат ичида бир қанча халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Электрон ҳисоблагичларни озиқлантирувчи мослама, магнитофон, хонадон ва автомобилларни қўриқлайдиган махсус мослама ва бошқалар шулар жумласидандир. Автомобилларни таъмирлашда баҳоси йўқ электр пайвандлаш дастгоҳини эса фақат ўзимизда эмас, балки чет эл мутахассисларини ҳам қизиқтириб қолди. Бундан ташқари корхона кўплаб болалар мусиқа асбобларини ишлаб чиқаради.

Бирлашма Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллигига ҳам меҳнат совғалари тайёрламоқда. Бундан икки-уч ой муқаддам корхонада ишлаб чиқариши йўлга қўйилган «Нодира» телевизорини бунга мисол тариқасида келтирса бўлади. Шуниси қувонарлики, айни пайтда бу телевизорлар эҳтиёт қисмларининг асосий қисмини корхона ўзи ишлаб чиқармоқда. Ундан кейин бирлашма халқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришда чет эллар билан алоқаларни ҳам кундан-кунга мустаҳкамлаб бормоқда. Масалан, бундан бир-икки йил илгари Хитой билан чиройли бўёқда ишланган йўл халталарини ишлаб чиқариш бўйича келишиб олинган эди. Ҳозир бу қўшма корхонада дастгоҳлар ўрнатилиб, созлаб қўйилди. Ишчи ва хизматчилар мустақиллик кунигача бир қанча шундай йўл халталарини ишлаб чиқаришни мўлжаллаб турибди. Қўшма корхона ишга тушгандан кейин бу ерда кунига 10 мингтадан ошиқ ана шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади.

Умуман айтганда бирлашма ҳозирги кунда асосий эътиборни халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришга қаратмоқда. 1995—1996 йилларга бориб корхона умумий қувватининг 50 фоизи ана шу маҳсулотларни ишлаб чиқаришни тақозо этади.

Гиёс ЮНУСОВ.

АҲАМИЯТЛИ ДАРСЛАР

ТОШКЕНТ «Миконд» заводининг Ёшлар Иттифоқи кейинги пайтларда корхонадаги ёшларга мўлжалланган барча маданий ишларни олиб борувчи ташкилотга айланиб бормоқда. Сўнгги икки ой ичида бевосита шу ташкилот ташаббуси билан корхона ёшларининг 30 нафари Туркистонга саёҳат қилишиб Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат этиб келишди. Чипта нархлари 50 фоизли чегирма билан завод меҳнаткашларини Халқлар дўстлиги саройида бўлиб ўтаётган концертларга, Ҳамза театри ва цирк томошаларига таклиф қилинмоқда. Яқиндан бошлаб эса Ёшлар Иттифоқи корхона миқёсида «Одобнома» дарсини ўтказа бошлади. Ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари эрталаб соат 10 дан 11 гача бўлиб ўтаётган бу сабоқлар «Сен менинг ҳаётимсан» деб номланган. Дарслар қаторидан ўзбекчилигимиз, миллий урф-одатларимиз, оилавий муносабатлар ҳамда ҳаётий муаммолар кенг ўрин олган.

Корхонанинг обрўли кишилари олиб бораётган бу дарсларни завод Ёшлар Иттифоқининг раиси Муаззам Алимбоева жуда аҳамиятли деб ҳисоблайди.

— Ёшларимиз ўртасида оила қуришиб, тезда ажрашиб кетиш ҳоллари тез-тез содир бўлмоқда. Уларни мумкин қадар бартараф этиш, ёш мустақил давлатимиз учун соғлом авлодни тарбиялаш асосий мақсадимиздир, — дейди у.

Дарҳақиқат «Миконд» заводи Ёшлар Иттифоқининг бу каби ташаббуслари бошқа корхона, ташкилот, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун ҳам ибратлидир.

Нарзулла ҲАМРОЕВ.

ҲАЙДОВЧИЛИК ФАХРЛИ НОМ

ТОШКЕНТ шаҳар йўловчиларни ташиш транспорти орқали аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш борасида кўрилаётган тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Йўловчиларга намунали транспорт хизмати кўрсатишни йўлга қўйишда меҳнат жамоаларида уюштирилаётган мусобақалар ҳам ўзининг ижобий маънодаги таъсирини кўрсатмоқда.

«Энг яхши ҳайдовчи» фахрли номи таъсис этилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Яқинда унинг низоми ишлаб чиқилди. Унда ҳайдовчиларнинг ҳуқуқ ва вазифалари ҳам аниқ-равшан ёритиб берилди.

Бундай ҳайрли ном ҳар уч ойда иш якунларига қараб берилади. Юқори кўрсаткичга эришган илғор ҳайдовчилар маошнинг 50 фоизи миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Бундан ташқари «Энг яхши йўналиш» деган фахрли ном учун ўзаро кураш бошланиб кетди. Бундай шарафга эришмоқ учун йўналишда ҳаракат қилаётган транспорт ҳайдовчиси ва патта сотувчиси ҳар томонлама намуна кўрсатиши, транспорт маданиятини ошириб, йўл-транспорт хавфсизлигини таъминлашга эришмоғи лозим. Улар йўловчиларнинг эътиборларига ҳам сабабчи бўлмасликлари керак.

Воҳид ВАЛИЕВ.

** Ўзбекистон ва жаҳон*

ГОЛЛАНДИЯЛИК ФУТБОЛЧИЛАР КЕЛИШАДИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси футбол федерациясининг янги биносида Вазирлар маҳкамасининг диёримизда футболни янада ривожлантиришга қаратилган қарорининг амалда қандай тадбиқ этилаётганига бағишланган матбуот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан республика футбол федерациясининг бош котиби Салим Эшмуҳамедов сўнгги беш ой мобайнида амалга оширилган тадбирлар хусусида батафсил маълумот берган бўлса, Ўзбекистон Республикаси давлат жисмоний тарбия ва спорт комитети раисининг биринчи ўринбосари, футбол федерациясининг вице-президенти Шавкат Тўлаганов Қибрай, Чиғатой спорт иншоотлари яқин вақт ичида тўла таъмирдан чиқариб бўлиниши, у жойларда қурувчилар шижоат кўрсатиб меҳнат қилаётганликлари, айни пайтда 1956 йилдан буён деярли таъмирсиз ётган «Пахтакор» ўйингоҳининг аввалги гўзал кўринишини тиклабгина қолмай, уни жаҳон талаблари даражасидаги иншоотга айлантириш режалари тузилаётгани ҳақида сўз юритди.

Матбуот йиғилишининг асосий қисми мустақилликнинг икки йиллиги арафасида Ўзбекистонга ташриф буюрадиган Голландиянинг энг кучли жамоаларидан бири «Витесс Арнем» билан ўрнатилаётган дўстлик алоқаларига бағишланди. — Бу ташриф, — деди Шавкат Тўлаганов, — Президентимизнинг Голландияга сафари, унда имзоланган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар мазмунидан келиб чиқади.

Хуллас, саноқли кунлардан сўнг, 16—20 август кунлари «Витесс Арнем» клуби шаҳримиз меҳмони бўлади. 17 ва 19 август кунлари улар пахтакорчилар ва Ўзбекистон миллий терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказадилар. Кеч соат 18 да бошланадиган мазкур ўйинлардан тушган барча маблағ футболни тараққий эттириш жамғармаси ҳисобига ўтказилади.

Шуҳрат ЗОКИРОВ.

«БУЮК ДАВЛАТГА — БУЮК МУТАХАССИСЛАР»

Президентимизнинг бу даъвати олий мактаб олдига ғоят улкан ва масъулиятли вазифалар қўймоқда

ЯҚИНДА муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимиз олий ўқув юртлари ректорлари билан учрашуви ва Вазирлар Маҳкамасида иқтисодий ислоҳотнинг амалга оширилиши ҳамда республика халқ хўжалиги тармоқларининг 1993 йил биринчи ярмидаги иш якунлари муҳокамасига бағишланган йиғилишда сўзлаган нутқларида мантиқий бир муштаракликни кўриш мумкин. Юртбошимиз келажаги буюк давлат пойдевори қўйилаётган бугунги кунда ана шу қутлуғ мақсадга эришишнинг энг асосий омилларидан бири ғоят билимдон, юқори малакали ва маданиятли, ташаббускор ва тадбиркор мутахассислар тайёрлаш аҳамиятини алоҳида таъкидладилар. Ислом Абдуғаниевич бу фикрни ўзларига хос пурмаънолик билан «Буюк давлатда буюк мутахассислар бўлиши керак», дедилар. У киши ёш авлод қалбига отабоболаримиздан қолган буюк виқорни, «Биз дунёда ҳеч кимдан кам эмасмиз», деган ғурур ва ишончни сингдириш кераклигини уқтирдилар.

Ана шу ишонч билан дунёга чиқадиган, ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасидан оқилона фойдалана оладиган замон билан ҳамқадам мутахассислар юртимиз учун сув билан ҳаводек зарур.

Тараққий этган барча давлатлар — Америка Қўшма Штатлари, Япония, Жанубий Корея ва бошқаларнинг тажрибаси иқтисодий юксалишга эришиш асосан юқори малакали мутахассисларга боғлиқлигини яққол исботлаб турибди. Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан энг аввало ҳурматли Президентимизнинг бевосита саъй-ҳаракатлари билан бу борада кенг қўламли амалий чоралар кўрила бошланди. Ёш, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан ҳали жиддий муаммоларни бошидан кечираётган давлатимиз энг илғор замонавий билимларга эга мутахассислар тайёрлаш учун маблағ аямаяпти. Ҳозирнинг ўзида 1900 нафар йигит-қизларимиз Туркия, Америка Қўшма Штатлари, Англия, Франциянинг энг нуфузли, донғи жаҳонга кетган университетлари, институт ва коллежларида таҳсил олмоқдалар. Ҳеч шубҳа йўқки, улар ўқишни тугаллаб, Ватанларига қайтиб келгач, ишлаб чиқаришда технологик инқилоб ясайдилар, республикамиз маҳсулотларининг жаҳон бозорида энг машҳур фирмалар билан бемалол рақобат қилишларини таъминлайдилар. Янада муҳими, уларнинг билими ва савияси ҳамкасблари, бутун жамоани янгиликка, тинмай изланишга, жаҳон андозалари даражасида маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ундайди. Яна шуниси эътиборга сазоворки, давлатимиз имконияти кўпайган сари йилдан йилга хорижда ўқиш учун юборилади ган ёшларимиз сони ҳам ортиб бораверади.

Минг афсуски, узоқ йиллар давомида собиқ Иттифоқда олий ўқув юртлари иш мезони бўлиб тайёрланган мутахассислар миқдори хизмат қиларди. Юртбошимиз ректорлар билан учрашувда айтганларидек, биз қайси минбардан бўлмасин аҳоли жон бошига тўғри келадиган студентлар, олий маълумотли мутахассислар бўйича жаҳонда энг юқори ўринлардан бирини эгаллаб турганлигимиз билан мақтанаверардик. Бунинг энг аянчли томони шунда эдики, олий мактаб «гуркираб яшнаётган», ҳар соҳада дипломли мутахассислар тўлиб-тошиб ётган экан, нега бизда меҳнат унумдорлиги тараққий этган давлатлардан бир неча баравар паст, технологиямиз алмисоқдан қолган, ишлаб чиқариш фантехника ютуқларидан фойдаланишдан манфаатдорлик сезмайди, деган мантиқий саволлар умуман берилмасди. Марказ, хусусан, давлат режа қўмитаси эса бу муаммолар устида бош қотириш ўрнига қайси институт ёки университет қанча талаба қабул қилиши кераклиги ҳақида ҳавойи кўрсаткичларни тиқиштираверарди. Сифат эмас, сон кетидан қувилгандан кейин чаласавод «мутахассислар» «болалайверар», улар олий маълумот тўғрисидаги дипломни қўлга киргизгандан кейин ихтисослигига мутлақо алоқаси йўқ соҳага ишга ўтиб кетардилар. Уларни ўқитиш учун совурилган давлат пулини ҳисоблаб ўтиришга ҳеч кимнинг вақти ҳам, қизиқиши ҳам бўлмасди.

Президентимиз ректорлар билан учрашувда бу аччиқ ҳақиқатни очиқ айтиб, илгари йўл қўйиб келинган камчиликларни бартараф этиш, мамлакатимиз халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун зарур миқдорда етук мутахассислар тайёрлаш йўл-йўриқларини ҳам аниқ кўрсатиб бердилар.

Дастлабки қадам сифатида, шу ўқув йилидан бошлаб ҳар бир университет ва институтга кирувчилар сонига мутахассисларга бўлган зарурат тахминан бўлса ҳам ҳисобга олиниб, тегишли ўзгартиришлар киритилди. Келгусида эса бу ишни илмий асосга қўйиш учун социологик тадқиқотлар ўтказиш, мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш чоралари кўрилади. Шу мақсадда олий мактаб муаммоларини яхши биладиган, уларни бартараф этиш йўлларини излайдиган мутахассислардан иборат комиссия тузишга қарор қилинди.

Етук мутахассислар тайёрлаш олий ўқув юртларига иқтидорли, пухта билимли ёшларни танлаб олишдан бошланиши ҳаммага маълум. Бевосита Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуси билан Ўзбекистонда собиқ Иттифоқда биринчилардан бўлиб ёшларни ўқишга қабул қилишда тест усули қўлланила бошланди. Агар бу усул ўтган йилги қабул имтиҳонлари пайтида республикамиздаги айрим олий ўқув юртларида тажриба сифатида қўлланилган бўлса, бу йил барча институт ва университетларда талабаларни танлашнинг ягона воситаси бўлди.

Тест синовларининг афзалликларини университетимизнинг дастлабки тажрибасига таяниб ҳам айта оламиз.

Аввалги йиллари қабул имтиҳонлари пайтида «икки» олган абитуриент «билимим паст экан», демасди, «мени йиқитишди» деб айтарди. Бу гапнинг тагида адолатсизлик бўлган, деган маъно ётарди. Бир жиҳатдан унинг даъвосида ҳам жон бор эди. Ўқувчи ҳар хил бўлганидек, ўқитувчи ҳам ҳар хил бўлади. Бири ўнғай савол берса, иккинчиси мураккаб савол беришга мумкин, бири абитуриентни дарров илғаб олса, бошқаси, аксинча, уни шошилтириб қўйиши мумкин. Кейин Президентимиз айтганларидек, баъзи ўқув юртларида назорат издан чиққан, айрим домлалар пора олиши ҳам сир эмасди.

Қабул имтиҳонларини тест усулида олиш бу қинғир ишлар пайини қирқишга, миш-мишларга чек қўйишга хизмат қилди.

Ректорлар билан учрашувда Президентимиз алоҳида урғу берганларидек, илм-зиё салоҳияти бу — халқнинг, Ватаннинг улкан бойлиги; келажак пойдеворидир. Онги, шуури зўр халқнинг келажагига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Шу маънода ҳурматли И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисолаларидаги ушбу сатрлар алоҳида аҳамият касб этади: «Ҳар бир инсоннинг, айниқса эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўкис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг шартидир».

Олий ўқув юртларида эса кўпинча ёшларга у ёки бу ихтиросликни ўргатиш асосий вазифа, деб тушуниб келинарди. Йигит-қизларнинг маънавий камолоти билан фақат мактаб шуғулланиши керак, бу институт ва университетларнинг ўқув дастурига кирмайди, деган нотўғри тушунча устун эди.

Таълим-тарбиядаги бундай бир ёқламалик оқибатлари бугунга келиб яққол сезилиб қолди. Турли «изм»ларнинг сохталиги, ғайриилмийлиги, ҳаёт синовига бардош беролмаганлиги аниқ-равшан бўлиб қолгач, ўзига хос мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлди. Маънавий инқироз оқибатлари иқтисодий инқироздан анча мушкуллиги аёндир.

Шу боисдан ҳам Президентимиз миллий истиқлол мафкурасини яратишни энг муҳим вазифалардан бири, деб таъкидладилар. Миллий истиқлол мафкураси дегандa , биз биринчи навбатда ёш авлодни ўз Ватани, халқига чексиз меҳр-муҳаббат, миллати учун ғурурланиш, давлатининг мустақиллиги ва истиқболи йўлида жонини фидо қилишга тайёр туришни тушунишимиз керак. Бу олий мактаб олдига ҳам тарбия соҳасида ғоят катта вазифалар қўймоқда. Олий ўқув юртини тугаллаган йигит ва қизлар нафақат юқори малакали мутахассислар, айни пайтда энг муҳими қалбида Истиқлолимизнинг ёрқин шуъласи доим порлаб турадиган фидойи ватанпарварлар бўлишлари зарур.

Университетимизда бу йўналишда муайян ишлар қилинмоқда. Шу йил бошида илм даргоҳимизда «Гулла, яшна, мустақил Ўзбекистон» мавзуидаги кеча худди шу мақсадга — талабаларда ватанпарварлик, миллий ғурур ҳиссиётларини шакллантиришга қаратилди. Унда сўзга чиққан республика қишлоқ хўжалиги вазири Н. Қаюмов, Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Х. Ҳамидов ва бошқалар аъло ўқиш, юқори малакали мутахассис бўлиб етишиш ҳар бир талабанинг ватанпарварлик бурчи эканлигини алоҳида уқтирдилар.

Ватан туйғуси ўзида жуда кўп нарсани мужассамлаштиради. Давлат рамзлари — байроқ, мадҳия, туғроғи эъзозлаш она-юртга меҳр-муҳаббатнинг энг ёрқин кўринишидир. Шу сабабли ҳам бизнинг Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси, давлат мадҳияси қабул қилинишига, ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисоласига бағишлаб ўтказилган тадбиримиз ҳам университет талабаларида ёрқин таассурот қолдирди. Унга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида иштирок этган Ўзбекистон халқ депутатлари — Фарғона вилоятидан Манзура Каримова, Попдан Дилором Раҳматова, Пешқу туманидан Имом Файзиевларни таклиф этдик. Қизғин жонли мулоқот ёшларимизга давлатимиз олий ҳокимият органининг истиқлолимизни мустаҳкамлаш соҳасида олиб бораётган кенг қўламли ишлари билан яқиндан танишиш имконини берди. Улар ўқишни тугаллагандан сўнг ўз вилоят ва туманларида амалга оширишлари керак бўладиган улкан режалардан ҳам хабардор бўлдилар.

Ўзбекистон халқ депутати, халқ шоираси Ҳалимахон Худойбердиева иштирокидаги «Соғлом авлодни тарбиялаш учун соғлом мафкура керак» мавзусидаги ижодий кеча эса ёшларимиз маънавий дунёсини янада кенгайтиришга хизмат қилди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов, шоир ва ёзувчилардан Эътибор Охунова, Мирза Кенжа, Икром Отамуродов, Иброҳим Ғафуров, Санобар Фахриддинова, Ўзбекистон театр жамияти раисининг ўринбосари Насиба Усмонова, таниқли санъаткорлар Султонпошша Ўдаева, Рихси Иброҳимова, Замира Суюнова ва бошқалар талабаларга адабиёт ва санъатнинг сеҳрли дунёси ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Бўлажак агроном ва зоотехниклар, иқтисодчилар маънавият гулшанидан ҳам баҳраманд бўлишларининг аҳамиятини таъкидладилар.

Ана шу ғўзалликка ошуфталик Ўзбекистон Республикаси мустақиллик кунининг икки йиллигига бағишлаб ўтказилган факультетлараро фестивалларда айниқса ёрқин намоён бўлди. Бу санъат байрами ёшларимиз орасида истеъдодлар кўплигини кўрсатди.

Янги ўқув йили бошланган дастлабки кунларда эса талабалар сафига қўшилган ёшлар тантанали қасамёд қиладилар. Бу кун уларнинг бутун талабалик даврида унутилмас бўлиб қолишига ҳеч шубҳа йўқ.

Талабаларда эътиқод ва маънавиятни тарбиялаш университетда ўқитиш жараёнини такомиллаштириш билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилмоқда. Ҳозирги пайтда университетимизда бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили, иқтисод ва агросаноат мажмуи тармоқларида бошқариш, агрокимё ва тупроқшунослик, агрономия, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва генетикаси, зоомуҳандислик, ўрмон ва боғ-хиёбон хўжалиги ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрлаяпмиз.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги — республика иқтисодиётининг энг қўламли, ҳал қилувчи бўғинидир. Ўзбекистоннинг истиқболи кўп жиҳатдан шу соҳанинг қандай ривожланишига боғлиқ. Сўнгги пайтда бу тармоқ учун етук мутахассислар тайёрлашга эътибор сезиларли даражада кучайди. Жумладан, Андижондаги пахтачилик институти қишлоқ хўжалик институтига айлантирилди. Қаршида иқтисод ва қишлоқ хўжалиги институти очилди. Нукус шаҳрида университетимиз филиали ташкил этилди. Самарқандда эса жуда кўп йиллардан бери қишлоқ хўжалик институти муваффақиятли ишлаб турибди. Шу туфайли ёшлар шаҳарма-шаҳар сарсон бўлмай, истаган ихтисослари бўйича илм олишлари учун барча минтақаларда имкон яратиб беришга ҳаракат қилинмоқда. Бунда зўр ҳикмат бор. Озчилик эмас, иложи борича кўпчилик илмга яқин бўлсин, дунёвий билимлардан баҳраманд бўлсин, деган яхши ният бор.

Ўзбекистон босқичма-босқич ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтмоқда. Бунинг натижасида мулкчиликнинг янги шакллари пайдо бўлаётган шароитларда иш олиб борадиган мутахассислар керак бўлиши тушунарлидир. Шунинг учун ўқув юртимизда агроном-фермерлар тайёрлашни йўлга қўйдик. Президентимиз Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда сўзлаган нутқларида фермерчиликни ривожлантириш қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишнинг энг истиқболли йўли эканлигини алоҳида уқтирдилар. Чунончи, Голландияда бор-йўғи 4 фоиз одам қишлоқ хўжалигида банд бўлиб, ана шу 4 фоиз одам бутун мамлакатни, қолаверса Оврупонинг талай аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминламоқда. Бунга ўз-ўзидан эришмаган, албатта. Голландияликларнинг технологиясини, айниқса, уруғчилик ва селекция, маҳсулотларни қайта ишлаш соҳасидаги тажрибаларидан ҳар қанча ўрганса арзийди. Шу билан бир қаторда хусусий мулк эгаси энг юксак самарага эришиш учун куч-ғайратини ҳам, билим ва тажрибасини ҳам аямайди. Шундай экан Ўзбекистонда ҳам фермерлар сонини кўпайтириш, уларга ҳар тарафлама ёрдам бериш керак.

Биз республикамиз истиқболи манфаатларидан келиб чиқиб, олий мактаб олдига қўйилган ғоят шарафли ва масъулиятли вазифаларни тўла ҳис этиб турибмиз. Университетлар ва институтлар бу вазифаларни муваффақиятли бажаришлари учун олий мактабнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчи ва профессорларнинг билим даражасини ошириш, нуфузларини кўтариш, маошларини кўпайтириш чоралари кўрилмоқда. Бу ғамхўрликни университетимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳамма талабаларимиз ётоқхона билан таъминланган. Оила қурганлар учун ҳам алоҳида ётоқхонамиз бор. Иккита маиший хизмат уйи, спорт комплекси, поликлиника, тез ёрдам хизмати, китобхоналар, профилакторий, дорихона, ошхона, буфетлар ҳам йигит-қизлар хизматида. Давлатимиз ва ҳукуматимиз университетимизни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун қўшимча чоралар ҳам кўрмоқда.

Ҳурматли Президентимиз таълим-тарбия жараёнини демократик ўзанга буриб юбориш учун республика олий ўқув юртлари ректорларининг кенгашини тузишни таклиф этганликларидан ҳам ғоят мамнунмиз. Ислом Абдуғаниевич ректорларни ўзларининг ишончли ёрдамчилари, деб атаганликлари эса кўнглимизни тоғдек кўтарди.

Бу ғоят катта ишонч, давлатимизнинг ўз зиёли ва олимлари тўғрисидаги беқиёс ғамхўрлиги намунасидир. Шундай экан буюк давлатимиз учун буюк мутахассислар тайёрлашни, Ўзбекистонни жаҳоннинг гуркираб ривожланаётган мамлакатлари қаторига олиб чиқадиган кадрлар тайёрлашни шарафли вазифамиз, деб биламиз.

Эркин ШАЙХОВ,
Тошкент Давлат аграр университетининг ректори, академик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

* *Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида*

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРГА — КЕНГ ЙЎЛ



ШУ йил июль ойида вилоят ва шаҳарларда ёшлар билан учрашувлар бўлиб ўтди. Бу учрашувлар ёшларимизнинг муаммоларига давлатимиз бефарқ эмаслиги, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунни бажаришга қаратилган аниқ дастаклари шаклланаётганлиги, ёшларни ижтимоий жиҳатдан фаол муҳофаза қилиш борасидаги ишлар такомиллаштирилаётганидан далолат беради. Шунингдек, бу учрашувларда ёшлар орасидан фикрловчи, иқтидорли намояндаларни излаб топиш, уларнинг холис интилишлари, саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилди.

Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг парламент фаолияти ва партияларо алоқалар бўлими ёшлар намояндаларининг жамоат клубини ташкил қилиш ташаббуси билан чиқди. Яқинда дастлабки учрашув ташкил этилди. Ушбу учрашувга Президент девони, Олий Кенгаши Раёсати, Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда Ёшлар Иттифоқи комитетларида фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ ёш раҳбарлар таклиф қилинди.

Дастлабки учрашувда Олий Кенгашнинг навбатдаги сессиясига киритилаётган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун ва «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳамда ҳокимликлар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида фикрлар алмашилди.

Учрашув янгича, «Ақлий ҳужум» шаклида ўтказилди. Бу эса ҳар бир ёш ўз ақл-заковатини намоён қилишига имкон яратди.

Бу ўзига хос иқтидорлик синовини тайёрлаш ва ўтказиш учун ташкилий гуруҳ фаолият кўрсатди.

Учрашув қатнашчиларини Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов қабул қилди.

— Биз демократик-ҳуқуқий давлат қурмоқдамиз. Келажакда бу давлатга раҳбарлик қилиш, уни бошқариш сизларнинг қўлингизда бўлади. Республикамиз Президенти, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Раиси Ислом Абдуғаниевич Каримов ёшлар ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётганликлари бежиз эмас. Чунки ёшлар — келажагимиз, келажак — ёшларники, — деб таъкидлади М. М. Расулов. — 3—4 йил ичида ишда пишиб, сизлар раҳбарлик маҳоратини ўрганасиз.

Биз эскича иш услубларидан воз кечмоқдамиз. Мустақил ишлаш, иш юритишни ўрганишингиз керак. Президентимиз Ислом Абдуғаниевичнинг рисолаларида, дастурий нутқларида баён этаётган фикрлари ишингизда асосий қўлланма бўлиши лозим.

Баъзи раҳбарлар ёшларга унчалик рўйхуш бермаётганликлари сир эмас. Айрим хўжалик раҳбарлари ҳамон буйруқбозлик билан шуғулланишяпти. Ишбилармонларга йўл қўйишмаяпти. Баъзи ерларда ислоҳотнинг моҳиятига ҳамон тушуниб етилгани йўқ.

Ташаббус кўрсатиб ишлашга одатланиш керак. Бозор иқтисодиётининг асосий қоидаси шундан иборатки, ҳар ким ўз ишининг уддасидан ўзи чиқиши лозим.

Ислоҳотни амалга оширишда Ислом Абдуғаниевич таъкидлаган 5 арконга риоя этиш даркор. Ватанпарварлик қуруқ гапдан иборат бўлмаслиги керак. Ўйлайманки, бугунги учрашув сизларни тўлқинлантираётган муаммоларни биргаликда ҳал этиш имконини беради, — деб таъкидлади М. М. Расулов.

Машкура МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

СУРАТЛАРДА: учрашув қатнашчилари фикр алмашаётган пайт.

Андрей Пишненко суратлари.

КОРХОНА ҲИСОБИДАН

ЎЗБЕКИСТОНДА ўтказилган республика компьютер фестивали «ақлли» машиналар билан яқиндан «тилласшаётган» иқтидорли ёшлар учун жиддий имтиҳон бўлди. Шу фестиваль доирасида уюштирилган танловлар эса кўпчилик толиби илмларга катта ижодий қувонч бахш этди.

Билимдонлик ва маҳорат синовидан муваффақиятли ўтган ғолиб ёшларни тақдирлаш учун фестивални ўтказишга ҳомийлик қилган нуфузли фирма ва корхоналар томонидан совринли мукофотлар белгиланган эди. Ўзбек-ҳинд-Америка «Юнитех интернешнл» корхонаси йўли билан билағон толиби илмларни тақдирлаш учун махсус стипендиялар таъсис этилди.

Бундай имтиёзга 9-синф ўқувчиларидан Х. Қуджонов билан А. Ким сазовор бўлди. Улар корхонанинг бу стипендиясини ҳар ойда олиб турадилар.

Азиз ОҚИЛОВ.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ УЧУН

«ТЕХНЕЗИС-ИНФО» фирмаси компьютер қурилмаларини кенг тарғиб этиш билан ҳам шуғулланиб келмоқда. Халқаро доирада яхши танилган мазкур ташкилот Тошкентда ўтказилган биринчи республика компьютер фестивалини уюштиришда ҳам фаоллик кўрсатди.

«Технезис-инфо» томонидан таъсис этилган махсус совринли мукофот фестивалда ўз билим ва маҳоратини намоён этган энг иқтидорли ёшларга насиб этди. Тошкент Давлат университети математика факультетининг иккинчи курс талабаси К. Ткачук ҳам бундай нуфузли мукофотни қўлга киритди.

Ушбу ташкилот томонидан белгиланган махсус стипендия компьютер билан яқиндан тиллашиб келаётган ана шу изланувчан талабага бериладиган бўлди. Эндиликда К. Ткачук ҳар ойига қўшимча 3000 сўмлик стипендия олиб туради.

Фестиваль доирасида уюштирилган «Компьютерли ҳунар» танловида фаол қатнашган бу талаба Ўзбекистон дастурчилар жамоасида ўзини кўрсатди. Бу танловда шунингдек, иқтидорли талабалардан А. Саидрасулов, Ю. Подгорновлар ҳам ғолиб чиқдилар.

Саодат ОДИЛОВА.

* *Минг бир касб*

ОРАСТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

ЧОЙХОНАДА қариялар билан гурунглашиб ўтирган Назармат ота тушлик қилиш учун бу ерга кирган туман ободонлаштириш бошқармасн ходимларини кўриб, уларга юзланди:

— Тўравой, тунов куни уйимизни таъмирлаган эдик. Шундан қолган ахлатларни неваларим оир чеккага уюб қўйишганди. Бахтга қарши 2—3 кундан бери ахлатларни ташийдиган машина маҳалламизга келмаяпти. Биламан, бу сизларнинг вазифангизга кирмайди. Чунки сизлар асосан катта кўчалардаги ахлатларни ҳамда кесилган дарахтларни ва уларнинг шох-шаббаларини ташийсизлар. Шундай бўлса-да, уйимиздаги ахлатни ҳам олиб кетсангиз, деб илтимос қилмоқчийдим. Буёғига хотиржам бўлаверинглар, рози қиламан.

— Нималар деяпсиз, отахон? — чеҳраси тундлашди соф ўзбек тилида гапираётган автомашина ҳайдовчиси, грек йигити Константин Караджаснинг. — Олаётган маошимиз рўзғор тебратишга етиб ортади. Уйингиздаги ахлат масаласига келсак, машинадаги юкни ташлаб, кейин сизникига ташриф буюрамиз, маъқулми?

— Маъқул, маъқул, болам. Агар ранжитган бўлсам, узр.

— Ахир «Олтин олма — олқиш ол» деб бежиз айтишмайдику, — Константин фикрини маъқуллади юкчи Тўра Ризаев. — Биз ёшлар сизнинг хизматингизни қилмасак, кимнинг хизматини қиламиз? Кўнглингиз тўқ бўлсин, отахон. Ярим соатлар ичида юкни бўшатиб қайтамиз.

— Иккови ҳам ҳалол, виждонли, меҳнатсевар йигитлар, — деди суҳбатга қўшилган чойхоначи Турсунбой ота Юсупов. — Умрингдан барака топгурлар чойхонадаги ахлатни ҳар куни олиб кетишади. Шулар бор экан, кўчаларимиз доимо саранжом-саришта. Уларни чин маънода озодалик посбонлари, десам ҳеч муболаға бўлмайди. Мен буларнинг ишини кўп кузатаман. Агар Тўравой ахлатни машинага юклаётган бўлса Константин бу менинг ишим эмас, деб бир чеккада қўл қовуштириб турмайди. Вақтдан ютиш ҳамда икки марта ўрнига уч-тўрт марта қатнаш учун дарҳол белкуракни қўлига олиб, юкчи билан баравар меҳнат қилади. Бунинг устига эрта тонгда, ҳали кўпчилик ширин уйқуда бўлган пайтда иш бошлашларини айтмайсизми. Бу ишни ҳар ким ҳам қилавермайди. Шунинг учун ҳам кам бўлмай юришибди. Уларнинг меҳнати ҳақиқатан ҳам ҳурматга ва қадрлашга арзигулик.

— Кўпчилик биз, юкчиларни назарига илмайди. Лекин, шундай бўлса-да, мен касбимдан мамнунман, — дейди юкчи Тўра Ризаев.

— Чунки Чилонзор туманидаги кўчаларнинг ҳамиша озода ва саранжом-саришта бўлишида бизнинг ҳам ҳиссамиз бор. Зеро, эл назарига тушишдан ортиқ бахт борми бу дунёда!

— Баъзан машина носозлиги туфайли ишга ўз вақтида чиқолмаймиз, — дейди Чилонзор туманидаги ободонлаштириш бошқармасига қарашли 7-автокорхонанинг 14—88 ТНБ рақамли машина ҳайдовчиси Константин Караджас. — Шунда жуда ноқулай аҳволда қоламиз. Бунинг устига машина ҳам эски, тез-тез бузилиб туради, эҳтиёт қисмлар етишмайди. Енилгини эса ўлчаб беришади. Қийин шароитда ишлашимизга қарамай, ҳаракат тартибини бузмаслик учун ҳар куни ишга чиқиб, кўчалардаги ахлатларни ва кесилган дов-дарахтларни, шох-шаббаларни ўз вақтида ташишга ҳаракат қиляпмиз. Сиз билан ўзбек тилида бемалол гаплашаётганимга ҳайрон бўлаётгандирсиз-а. Бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ. Чунки маҳаллада катта бўлганман. Шу боис ўзбекларнинг урф-одатини яхши биламан ва ўзим ҳам шу урф-одатларни оиламизга сингдиришга интиламан. Тўйлар ва турли йиғинларда мунтазам қатнашиб тураман. Хуллас, бағри кенг ва меҳмондўст ўзбекларга бўлган ҳурматим жуда баланд.

...Субҳидам. Қуёшнинг илиқ тафти ҳали бутун борлиққа ёйилганича йўқ. Кўчада одам сийрак. Кўп қаватли уйлар атрофини супуриб-сидириб юрган фаррошларнию , сут олиш учун дўконларга ошиқаётган бир-иккита одамни учратасиз, холос. Ана, катта кўча чеккасида Тўравой билан Константин бир-бирларига ҳазил-мутойиба қилишиб, ўз вазифаларини бажаришяпти. Уларнинг табассум жилва қилаётган чеҳраларидан ўз ҳаётларидан мамнун эканликлари шундоққина билиниб туради.

Исмоил ЗОИРОВ.

ЧЕВАР ҚИЗЛАР

ҲОЗИРГИ бозор иқтисодиёти шароитида қизларимизга касб-ҳунар ўргатиш борасида ибратли ишлар амалга ошириляпти. Юнусобод туманидаги 1-кечки ишчи-ёшлар мактаби, 22-ҳунар-техника билим юрти, ва «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик диққатга сазовордир.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, 1-кечки ишчи-ёшлар мактабида таълим олаётган қизларнинг тикувчилик мутахассислигини эгаллаб олишлари учун барча шароитлар яратилган. Мазкур билим даргоҳини оталиққа олган бирлашма синф хоналарини ўқув қуроллари, техника воситалари билан тўлиқ таъминлаб келмоқда. 22-ҳунар-техника билим юрти учун эса янги бино қуриб берилди. Иккита устахона замонавий тикув машиналари билан жиҳозланган.

Бундай ғамхўрликка жавобан билим юрти ҳар йили 350 дан ортиқ чеварларни бирлашмага етказиб бермоқда. Шуниси қувончлики, талабалар олган назарий билимларини амалиёт билан боғлаб, йилига 180-200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб бермоқдалар.

Билим юрти ҳамда 1-кечки ишчи-ёшлар мактабининг собиқ талабаларидан жуда кўпчилиги бугунги кунда илғор чеварлар сафидан ўрин олишган. Р. Ходиева, С. Алимова, М. Орипова, Ж. Содиқова, Т. Қосимовалар шулар жумласидандир.

— Бундай ҳамкорлик уч томонга ҳам қўл келмоқда, — деди билим юртининг директори Мирҳаёт Юнусов. — Энг муҳими, талабалар билан синфларни тўлдириб боришга имконият яратилиб, «Юлдуз» бирлашмаси ишчи кучлари билан таъминланмоқда.

Саъдулла СУЛТОНОВ.

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Бунинг боиси корхонада тайёрланаётган буюмлар сифати яхшиланиб бораётганлигидадир. Бирлашманинг қўлга киритаётган бу ютуқларида тикувчи Муқаддас Иброҳимованинг ҳам муносиб улуши бор. Чунки бу ёш иқтидорли касб эгаси томонидан тайёрланаётган буюмлар ҳамиша сифатлилиги билан ажралиб туради.

СУРАТДА: Муқаддас Иброҳимова иш устида.

Виктор Багаев сурати.

** Диққат, янгилик!*

Америка институтининг Тошкент бўлими

АМЕРИКАДАГИ иқтисодий тараққиёт институти жаҳондаги нуфузли илм-фан марказларидан бири ҳисобланади. Ана шу институт ҳозир ўзининг жойларда бўлимларига ҳам эга. Унинг Венадаги бўлими фаолияти ҳам кенг йўлга қўйилган. Бу ерда иқтисодий ривожланишнинг турли масалалари бўйича изланишлар ҳам олиб борилмоқда. Бозор иқтисодиёти ва менежерлик бўйича ҳам илмий ва амалий тажрибалар орттирилмоқда.

Ана шу илғор таълимий иш усулларини Марказий Осиё минтақасида ёйиш мақсадида яқинда ибратли тадбирга қўл урилди. Вашингтонда ўтказилган ана шу институт ташаббуси билан уюштирилган халқаро йиғинда Тошкентда бозор иқтисодиёти ва менежерликни ўрганиш марказини очиш таклифи илгари сурилди.

Мазкур илмий анжуманда Ўзбекистондан ҳам бир неча иқтисодчи олим қатнашиб, билим ва тажрибаларини ошириб қайтди. Ушбу марказ иқтисодий тараққиёт институти Вена бўлимининг филиали сифатида фаолият кўрсатади.

Тест маркази

ТАЛАБАЛАР билимини баҳолашда таълимнинг қатор муҳим воситалари қўл келмоқда. Рейтинг назорати усули ҳам олий ўқув юртларида ўзига кенг йўл топмоқда. Ҳосил қилинган билим ва тушунчаларни ҳар томонлама баҳолашда қўлланилаётган бу илғор усул Тошкент автомобиль транспорти йўллари институтида ҳам биринчилардан бўлиб ўқитиш жараёнига тадбиқ қилинди.

Бугунги кунда олий ўқув юртидаги барча кафедралар бу илғор усул асосида иш кўрмоқда. Рейтинг назоратини қўллаш жорий имтиҳонларни тест усулида ўтказиш учун катта қулайлик туғдирмоқда. Энг муҳим талабалар таркиби сифат жиҳатидан анча яхшиланмоқда.

Орттирилган бу тажрибалар институтда махсус тест марказини очиш учун мустаҳкам замин ҳозирлади. Янги ўқув йилида амалга оширилдиган мазкур муҳим тадбир юзасидан зарур дастурлар ҳам ишлаб чиқилди. Ҳозир тест марказини жиҳозлашга киришилди.

Мустаҳкам ўқув негизи

РЕСПУБЛИКАМИЗДА янги типдаги истиқболли ўқув юртларидан бир нечтаси фаолият кўрсатмоқда. Тошкент педагогика коллежи ҳам давр талаби билан ташкил топди.

Бу ерда юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун мустаҳкам ўқув-моддий негиз яратилган. Бу эса бўлажак педагог-ўқитувчиларни мустақил ҳаётга ҳар томонлама пухта тайёрлаш имконини беради.

Тошкент Давлат педагогика институти талабалари учун тадбиқ қилинган ўқув режалари коллежда асос қилиб олинди. Шунингдек, бу ерда педагогика институтининг тажрибали ўқитувчилари ҳам талабалар билан машғулотлар олиб бормоқдалар.

Коллежда таълим жараёнини компьютерлаш ва тест синовларини йўлга қўйиш ҳам диққат марказида турибди. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан коллежда электрон-ҳисоблаш машиналари синфлари тармоғи юзага келтирилди. Бундай синфлар компьютер қурилмалари билан таъминланди.

Акбар АЛИЕВ.

** Хотин-қизлар кенгашлари фаолиятидан*

Ҳам дугона, ҳам маслакдош

СУНГГИ пайтларда маҳаллаларда хотин-қизлар кенгашларининг иши тобора жонланиб бормоқда. Аниқса, бу борада Сергели туманининг «Мустақиллик» маҳалласи хотин-қизлар кенгашининг амалга ошираётган ишлари ибратлидир.

Мазкур маҳалланинг асосини кўпқаватли уйлар ташкил қилиб, уларда айни пайтда 36 мингга яқин аҳоли яшайди. Шуларнинг тенг ярми аёллардир. Шунинг учун ҳам маҳаллада хотин-қизлар кенгаши фаолиятига эътибор катта. Шунга яраша мавқе ҳам. Хотин-қизлар кенгашига истеъдодли шоира Зулфия Мўминова раҳбарлик қилади. Ў ҳамма ишда аёлларга бош-қош. Хотин-қизлар кенгаши маҳалла комитети билан ҳамкорликда муаммоларни ҳал қилишда фаол иш олиб бораяпти. Қилинадиган ишларнинг аниқ режаси тузилиб, масъул шахслар зиммасига юклатилган. Айни пайтда кенгашнинг 12 нафар жамоатчи аъзоси бор. Уларнинг энг бирламчи, асосий вазифаси аёллар ўртасида тарбиявий ишлар олиб боришдир.

— Маҳалламиздаги ҳар бир хонадон бизнинг назоратимизда, — дейди Зулфия Мўминова биз билан суҳбатда. — Бола тарбиясига ота-онадан кейин биз масъулмиз. Ахир айтадиларку, отанг — маҳалла, онанг — маҳалла, деб. Болага бериладиган ҳар қандай баҳо бизга ҳам берилган баҳодир. Шунинг учун оналаримиз бола тарбиясини қандай олиб боришаётганини доимо кузатиб борамиз.

Бизнинг маҳалламиз жуда катта, бунинг устига турли миллат вакиллари яшайди. Уларнинг ҳар бирининг кўнглини топиб, бир жойга уюштиришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг устига ҳар бир миллатнинг ўз удуми, турмуш тарзи бор. Ҳозир маҳалладагилар бир-бирларининг урф-одатларини ҳурмат қилишади.

Маҳалла комитетининг раиси Баҳодир Қурбонов бошлаган ишини охирига етказмасдан қўймайди. У аёллар муаммоларини ҳал қилишда хотин-қизлар кенгашига яқиндан ёрдам беради.

«Соғлом авлод учун» дастурини маҳаллага тадбиқ қилиб, бу борада ҳам бир қатор ишлар қилинди. Баркамол авлодни вояга етказишда аёллар ўртасида унга боғлиқ турли мавзуларда суҳбатлар, мутахассислар билан учрашувлар ўтказилди. Бундан ташқари ҳар ўн беш кунда маҳаллада тозалик куни бўлиб, «Энг озода аёл» беллашуви ўтказилади. Ғолибларнинг ишлари эса бутун аёлларга намуна қилиб кўрсатилади. Оилавий можаролар маҳалланинг ўзида ҳал қилинади. Тўй-маъракаларни имкон қадар ихчамлаштирилиб, сарполар кескин камайтирилди. Шунингдек оилавий шароити оғир бўлган хонадонларга моддий жиҳатдан ёрдам берилмоқда. Хусусан, Саъдуллаевлар хонадонининг бошлиғи бевақт вафот этиб, тўрт боласи етим қолганди. Маҳалла комитети ва хотин-қизлар кенгаши уларнинг барча чиқимларини кўтарди. Шу билан бирга уларга 41 минг сўм миқдорда ёрдам пули берди. Болаларнинг тарбиясини эса хотин-қизлар кенгаши ўз зиммасига олди.

Турли маданий-маърифий тадбирлардан ташқари ҳар ойда маҳалла аёллари билан ўзаро учрашув бўлади. Унда хотин-қизлар бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрайдилар, мавжуд муаммоларни ўртада ҳал қиладилар, таълим-тарбия борасида суҳбатлашадилар. Шу билан бир қаторда хотин-қизлар кенгаши маҳалла тасарруфидаги 304-ўрта мактаб, болалар боғчалари, 37-поликлиника билан ҳамкорликда ишлайди. Шу ердаги озиқ-овқат дўкони доимий назорат остида.

Маҳаллада боласи ёш, ишсиз уй бекалари кўпчиликни ташкил қилади. Хотин-қизлар кенгаши уларга ишлаш учун имконият яратиш мақсадида Сергели тумани меҳнат биржаси билан алоқа ўрнатди. Шунга мувофиқ «Ниҳол» кичик корхонасида тикувчилик цехини очишди. Бу ерда аёллар уй ишларидан бўшаган вақтларида ишлайдилар.

Айни пайтда маҳаллада Ўзбекистон Республикаси мустақиллик кунининг икки йиллигига қизғин тайёргарлик кетмоқда. Ҳар ҳафтада байрамга бағишлаб озодалик куни ўтказиляпти. «Айёминг муборак, азиз замондош» деган мавзуда катта тадбир ўтказиш ҳам режалаштирилмоқда.

Назира СОДИҚОВА.

** Умр лаҳзалари*

НУРЛИ УЙ

— Майли, болам, қиз бўлса ҳам хотининг эсон-омон қутулиб олибди-ку. Аёл киши учун бу катта бахт.

— Биламан. Сиз доим келинингизнинг ёнини оласиз. Вақти келиб қизлар бирин-кетин вояга етиб, ўрикка ўхшаб пишиб берса уларни қандай турмушга бераман? Одамлар олдигаку бир амаллаб ош-нон қўярмиз. Лекин сарпо-суруғ, мебель нима бўлади? Мана олди ўнинчи синфни битиряпти.

— Яхши ният қил болам, — юпатди уни онаси. — Бу ёруғ дунёда фарзанд кўрмай, унинг тирноғига зор бўлиб, бола олиб тарбиялаётган одамлар қанчадан-қанча. Фарзанд ато этган тангрим ризқ-рўзини ҳам, бахтини ҳам беради.

Фотима ая ўғлига шундай дедию, аммо бундан ярим йилча бурун кенжа қизи Райҳонни узатаман деб, қанча сарсон бўлганини эслади. Ўшанда эр-хотин мебель қидириб бормаган дўконлари, учрашмаган одамлари қолмади. Бир вақтлар у турмушга чиққанида бундай орзу-ҳаваслар қаёқда эди. Бир қути, бир сандиқ ва темир каравот билан келин бўлиб тушгани ёдида. Ҳеч ким кулмаганди ўша вақтларда. Энди қизни бундай узатиб кўр-чи? Оғзига кучи етмаганлар эртага юзингга солишади. Шу боис қизнинг ота-онаси сўнгги пулини сарфласа ҳам мебель қидиради. Ҳа, майли, бу кунлар ўтар...

Фотима ая шулар ҳақида ўйлар экан, кўнглида аллақандай севинч, ўз турмушидан қониқиш ҳисси туғён ураётган эди. «Қизли уй—нурли уй» деб бежиз айтишмаган доналар. Фотима ая ўзини енгил ҳис қилиб, келинига овқат тайёрлаш учун ошхонага қараб йўл олди...

Турғун ЖУРАЕВ.

СУЛТОНБОЙ туғруқхонадан қайтганда вақт чошгоҳга яқинлашиб қолганди. Дарвозадан кира туриб, шундоқ йўлакда онасига рўбарў келди.

— Бешинчиси ҳам қиз бўлди, — деди Султонбой хафахон онасининг сўрашини кутиб ўтирмай.

** Назм чечаклари*

ДИЛ СЎЗИ

Сизку менга берган жон ва қон,
Тақдим этган бахту саодат.

Сиз туфайли ҳур Ўзбекистон —
Муҳаббати қалбимда ҳар вақт.

Ҳаётимнинг шамчироғисиз,
Ёритгайсиз йўлимни абад!

Кўрманг ҳижрон, ҳасрат доғин сиз,
Онажоним, яшанг саломат.

ОРЗУ

Қани энди митти сатрлар,
Юракларга қадр улашса.

Бир-биридан араз дўст-ёрлар
Уни ўқиб яна ярашса.

Қадим-қадим санъат бирла шеър
Инсон қалбин яшнатиб келган.

Қани энди мен ҳам бир умр
Орзу бўлсам қалблар интилган.

БОЛАЛИК

Болалигим ортда қолди,
Келди мустақил ҳаёт.
Жажжи юрак ўйга толди:
Наҳот қолди умрбод!
Қани энди яна қайтса
Болаликнинг тонгларим!
Мактаб яна қучоқ очса
Келса шўхлик онларим.
Яна бўлсам устозларим
Суҳбатидан баҳраманд...
Энди фақат орзуларим
Бўлар хотирга пайванд
Энди бизлар олга кетдик,
Ортда қолдинг, мактабим
Сенда қолди болалигим —
Болалигим — матлабим.

Гавҳар ТУРСУНОВА.

** Аёл фазилати*

ИСМЛАРГА КЎЧГАН ОРЗУЛАР

ТАБИАТ буюк зот — инсондан ҳеч бир марҳаматини аямади. Бу ер ва сўзлаш имконини бергани тенгсиз давлатдир. Ўз навбатида инсон ҳам бу тенгсиз эъзознинг қадрига етишга, уни ардоқлаш ва шукрона қилишга қадим-қадимлардан интилиб келади. Бу ҳол, айниқса, инсоннинг тилга муносабатида ёрқин кўринади. Бинобарин тилнинг гўзаллиги аввало ундаги тенгсиз инсоний жавоҳирлар бўлмиш сўзларда яққол кўринади. Мана шу маънода она тилимиз бўлган ўзбек тилининг ниҳоятда гўзал, маҳобатли бир тил эканини фахр билан қайд этиш мумкин. Бу фикримизни исботламоқ учун биз ўзбек қизларнинг исмлари ва улар англатувчи маънолар ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Қизларга берилувчи ўзбек исмлари ғоят маъноли, шаклан чиройли ва нафислиги билан ажралиб туради. Бу қадим-қадимлардан шундай бўлиб келган. Буни бобокалонимиз Алишер Навоий қизлар исмидаги нафосатни фахрланиб ёзган эди.

Қизларнинг исмида ўзбек халқининг чинакам буюк даҳоси, теран миллий диди, юксак маданияти, нафосатга ошиқлиги, аёл зотига, мурғак қизалоқларга бахшида қилинган чексиз меҳру эъзози бутун борлиғи билан уфуриб туради. Ота-оналар ўз қизларининг кўҳлик, дилбар бўлишини исташади. Бу орзу эса уларга берилувчи исмларга кўчади: Барно, Кўркамой, Сулув, Чиройхон, Зебо, Зайнаб, Шаҳло, Қоракўз, Латофат, Нафиса, Гулюз, Гулчеҳра, Нафосат ва ҳоказо.

Қайси ота-она ўз фарзандига нурли келажак, ёрқин ҳаёт истамайди дейсиз? Шу сабабли бизда қизларни нурга, ёруғлик тимсолларига қиёс қилиш қадимий удумдир. Нур — тиниқлик, мусаффолик, поклик демакдир. Ўз қизининг келажагини, турмушини мана шундай та саввур қилишган. Ушбу орзу энг аввало қизларимизнинг исмларида мурғаклик пайтидан ўз ифодасини топади. Тилимиздаги Ойтоза, Тиниқ, Тозагул, Нурли, Нуржамол, Нурхон, Анвара, Мунаввар, Равшаной, Зилола, Мусаффо, Покиза сингари исмлар бунинг гувоҳидир.

Гул кўҳна Шарқда қадимдан гўзаллик ва нафосатнинг, нозиктаъб ва мулойим хулқнинг нишонаси экани маълум. Ўз қизларида мана шу ажойиб инсоний фазилатларни кўргиси келган ўтмиш аждодларимиз гул сўзидан чиройли исмларни ижод қилишган. Бу исмлар ўзбек исмлари жамғармасини шу кунларда ҳам безаб турибди. Мана ўша исмлардан баъзилари: Гуласал, Гуландом, Гуланбар, Гулбегим, Гуллола, Гулниҳол, Гулранг, Гулшода, Гулғунча, Гулсадаф, Гулруҳ ва ҳоказо.

Исмлар бизни нафосатнинг мафтункор гулшани сари етаклайди. Ушбу нафосат гулшани эгалари — дилбар қизларимизнинг бахту иқболи уларнинг исмига боғлиқ бўлишини истагинг келади.

Эрнст БЕГМАТОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Дилкаш суҳбатлар

«Айтилмаган қўшиқларим кўп»

⊙ Ёшлигидан қўшиқ айтишга бўлган иштиёқ Ҳурриятни 1975 йилда Андижон мусиқа юртининг хор-дирижёрлик бўлимига ўқишга чорлади. 1979 йилда билим юртини муваффақиятли тамомлаб, устозлари маслаҳати билан Тошкентга келди. Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси шарқ кафедрасининг мақом бўлимига қабул қилинди ва шу билан биргаликда Ўзбекистон радиоси қошидаги Юнус Ражабий номли мақом ансамблида ишлай бошлайди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон давлат телерадиокомпанияси қошидаги «Тановар» ашула ва рақс ансамблида яккахон хонанда сифатида фаолият кўрсатаётган Ҳурриятнинг Исроилова билан суҳбатимиз унинг биринчи марта айтган қўшиғи тарихи билан бошланди.

— Эсимда, иккинчи синфда ўқирдим, — дея сўз бошлади Ҳурриятнинг, — мактабимизда ўтказилган янги йил кечасида ўқитувчимиз таклифи билан тожикча «Гуландон» қўшиғини айтгандим. Шу кун хотирамда сақланиб қолган. Мени мактабдошларим, ўқитувчилар яхши қарши олганлар, севинчим ичимга сиғмасдан уйга қайтгандим. Шундан кейин мактабимизда ўтказилган анжуманларда, байрамларда қўшиқ айтардим.

— Нега мақом йўлини танладингиз? Ахир қанчадан-қанча санъаткорлар бу йўлнинг «юк»ини кўтаролмасдан ташлаб кетганлар...

— Аям ва дадамлар санъатни жуда яхши кўрардилар. Ўзлари ҳам баъзи-баъзида мақом йўлида айтиладиган қўшиқларни ҳиргойи қилишарди. Мақом ёшлигимдан танамга сингган, шунинг учун бундан кечишим мен учун оғир. Негаки мақом ҳар бир қўшиқнинг негизи, яъни енгил қўшиқларнинг томири, унга таянмаса сал даражада қийинроқ.

Мен фақат мақом йўлида қўшиқлар айтиш билан чекланмасдан замонавий қўшиқлар: тожикча, эронча, ҳиндча қўшиқларни ҳам севиб ижро этаман.

— Сиз ҳатто оркестр жўрлигида ҳам қўшиқлар айтасиз. Қайси бири сиз учун оғир кечди?

— Тўғри, умуман ансамбль жўрлигида қўшиқ айтиш қийин, лекин оркестр жўрлигида бир асарни ижро этиш ундан ҳам мушкул. Чунки оркестрда кўп товушли асарлар ёзиладди, шунинг ичида хонанда ўзининг товушини топиб айтиши керак.

— Қўшиқларни қандай танлайсиз?

— Аввало куйини эшитиб кўраман, сўнгра сўзига аҳамият бераман. Агарда куйи ёқмай, сўзи яхши бўлса бошқа куйга солишга ҳаракат қиламан, ё аксинча. Сўз ва куй бир-бирига мос бўлиши лозим. Шундагина яхши қўшиқ бўлади. Яхши қўшиқни яратиш фақатгина хонандага боғлиқ эмас. Қўшиқ яратилишида учта боғлиқлик бор: булар шоир, бастакор, хонанда. Шоир яхши бир шеър ёзади, бастакор унга мос оҳанглар топиб куй яратади, хонанда эса унга юрагидаги нолаларни қўшиб, ижро этади. Мисол учун «Этмай келинг» қўшиғининг яратилишида Нодира ғазалига Орифхон Хотамов куй басталаганлар. «Маҳабо, янги йил» қўшиғи — Зоҳиджон Обидов шеърига композитор Дилором Омонуллаева мусиқа ёзганлар. «Ёлғизлик» қўшиғи — Ҳалима Худойбердиева шеърига Абдуҳошим Исмоилов куй басталаганлар.

— Сиз ўзбек қўшиқчилигида ўз йўлимни топдим деб ҳисоблайсизми?

— Унчалик эмас, чунки бизнинг санъатимиз жуда ҳам кўп қиррали. Ҳар бир хонанда ҳаёти давомида ўз йўлини топишга ҳаракат қилади, ўз услубида қўшиқ айтишни истайди. Мен ҳам агар ўз йўлимни топган бўлсам ажаб эмас. Мақом жону дилим, уни севиб ижро этаман.

— Устозларингиз ким?

— Аввало санъатни севишни, унга бўлган қизиқишни дадам ўргатганлар. Дадам қўшиқ айтганда мен ҳам қўшилиб айтардим. Мендаги қобилиятни кўриб санъаткор бўлишимга шароитлар яратиб берганлар. Қолаверса, устозларим жуда кўп. Ҳар бир мусиқа билимдонини ўзимга устоз деб биламан, Ўзбекистон халқ ҳофизи Фаттоҳхон Мамадалиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Орифхон Хотамов, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов ва Ғуломжон Рўзиқуловлар менга қўшиқлар ўргатиб, санъатнинг нозик қирраларини очиб беришга ҳаракат қилган инсонлардир.

— Сиз кўп хорижий мамлакатларда сафарда бўлиб қайтгансиз. У ерларда қандай қўшиқларни ижро этгансиз?

— Ҳақиқатан мен бир нечта ўзбек санъаткорлари билан биргаликда Ҳиндистон, Америка, Жазоир, Германия, Афғонистон каби бир нечта хорижий мамлакатларда сафарда бўлиб, у ерларда ўзбек санъатининг энг гўзал ёрқин қирраларини намойиш қилиб келганмиз. Мен бу мамлакатларда Хоразм халқ қўшиқларидан «Лазги», тожик халқ қўшиқларидан «Чакичаки», Хазиний ғазали билан айтиладиган «Фарғона тонг отгунча», Фурқат ғазали билан «Фиғон», Лутфий ғазали билан «Бу кўнгул», Шавқий ғазали билан «Излайман» ва шу қатори бир нечта қўшиқларимни ижро этганман. Биз қаерга бормайлик, бизни у ернинг халқи жуда яхши қарши олишди.

— Умуман ҳар қандай санъаткорнинг айтилмаган қўшиқлари бўлади. Сизда ана шундай қўшиқлар борми?

— Орзуга айб йўқ, дейишади, ҳали ёшман, ҳали айтилмаган қўшиқларим кўп. Ниятим ранг-баранг қўшиқлар ижро этиб халқимизга ҳадя этиш.

Гулчеҳра МИРЗАҲАКИМОВА.
СУРАТДА: хонанда Ҳурриятнинг Исроилова.

** Шахсий фикр*

ЎРТАДАГИ ИШОНЧ ЙЎҚОЛМАСИН

ЭР-хотин ўртасидаги ҳурмат шу оиланинг пойдеворини мустаҳкамлайди. Бир дугонам турмушга чиқди. Тўй жуда яхши ўтди. Икки ёш орзу-умидлар билан бир ёстиққа бош қўйишди. Дастлаб ҳаммаси бинойидай бўлди. Дугонам келинлигини жойига қўйиб, қайнона-қайнотасининг хизматини елиб-югуриб қилди. Эрининг чизган чизиғидан чиқмади. Хуллас, тотув яшадилар. Ўртада фарзандлар дунёга келди. Бир ўғил ва бир қиз. Улар бахтли эдилар. Лекин бу узоққа бормади. Эр-хотин орасига совуқчилик тушди. Илгари оғзидан бол томиб гапирадиган дугонам эрини кўришга кўзи йўқ эди.

Бир куни уларнинг жанжаллари устига кириб қолдим. Бир-бирини шундай сўзлар билан ҳақоратлашардики, уни сўз билан ифодалаш қийин. Жанжалдан кейин икки-уч ойлаб гаплашмай юраверишади. Эри дугонамни ҳиёнаткорликда айбласа, у эрини ишламаганидан, рўзғорга қарашмаслигидан нолийди. Уларнинг орасига совуқчилик тушишига дугонамнинг тўйга бориши сабаб бўлган. У қайнонасидан рухсат сўрамай ишхонасидаги ҳамкасбининг тўйига отланган. Қайнонаси «Майли қизим, фақат болаларингизни олиб қололмайман, кложини қилсангиз ойингизга ташлаб кетинг», дебди. Дугонам болаларини ўз уйига ташлаб тўйга кетган. Шу куни эри ширакайф уйга келса, хотини йўқ. Онаси келини тўйга кетганлигини айтганда ўғли хотинини қидириб борган. Дугонам онасиникидан болаларни олишга кетган экан. Эри дарров таксига ўтириб қайнонасиникига борибди. Қараса, хотини йўқ. Хиёл ўтмай эшикдан дугонам кириб борибди. Улар биргалашиб уйга келганлар. Ҳамма жанжал шундан кейин бошланган. Эри «Қаерда юрган эдинг» деб хотинини қистовга олган. Дугонам тўйдан чиқиб автобусда боргунча, анча вақт ўтганини қанча тушунтирмасин, эри ишонмабди. Шу-шу унинг номи ёмон отлиққа чиқди. Қачон қараса уришгани-уришган. Дугонам бўлганлиги, ҳамда қўшнимизга келин бўлиб тушганлиги учун уларнинг тақдирларига бефарқ қаролмайман.

Бундай жанжаллар аҳлини таниб қолган фарзандларининг олдида обрўларини тўкаётганини на хотин, на эр тушуниб етмаяпти. Дугонамнинг болалари ўз ота-оналари билан ўтиришга юраклари безиллайди. Жа..жал бошланди, дегунча ё кўчага чиқиб ё бувиларининг уйига кириб кетадилар. Наҳот, уларнинг жанжали ажралиш билан тугаса? Шу ҳақда ўйлаб ўкиниб қўяман. Чунки икки бола тирик етим бўлиб қолиши, ота-оналари туфайли ана шундай ж..зога маҳкум бўлишлари мумкин.

Эр-хотин ақлларини йиғиб ўйлаб кўрсалар, ҳурмат билан муносабатда бўлсалар, ҳаёт изига тушиб кетади-ку?

Мавжуда ТУРСУНЗОДА,
хизматчи.

Й. Охунбобоев номидаги шаҳар маданият уйи жамоасининг диққат-эътибори республика мустақиллигининг икки йиллиги ва муассаса ташкил этилганининг 65 йиллигини муносиб нишонлашга қаратилган. Маданият уйи директори Шоира Шораҳмедова биз билан суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди:

— Халқимизнинг маданиятга, санъатга ихлоси ҳар доим юқори бўлган. Халқимиз орасидан атоқли санъаткорлар, олиму фозиллар, шоир ва ёзувчилар, ҳунарманд ва тўқувчилар, меъмору гиламдўзлар талайгина етишиб чиққан эди. Маданий ва маънавий бойликларимизни юксалтириш учун янги давр очиляпти. Эндиликда маданият ходимлари, мутасадди ташкилотлар олдида анъаналаримиз, қадриятларимиз, ибратли урф-одатларимизни тиклаш вазифаси турибди. Бу эса бизга катта масъулият юклайди.

** Маданият масканларида*

АНЪАНАГА АЙЛАНГАН ТАДБИРЛАР

Шу кунларда мустақиллигимизнинг икки йиллигини муносиб кутиб олиш учун катта тайёргарлик ишлари олиб бораяпмиз. Жамоамиз пойтахтда, республикада ўтказиладиган тадбирларда ҳамиша фаол иштирок этиб келган. Бу йил ҳам анъаналаримиздан чекинмоқчи эмасмиз. Маданият уйимиз 65 йиллик тўйини нишонлайди. Айни пайтда ён-атрофимиздаги 19 та маҳалла билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Ўтказиладиган тадбирлар, тантаналарда жамоамиз санъаткорлари, ҳаваскорлар мунтазам қатнашиб келишяпти. Наби Раҳимов раҳбарлиги остида очилган драма тўгараги етук жамоа даражасига кўтарилиб, халқ театри деган номга сазовор бўлди. Санъаткорлар шоир Тўлқиннинг «Сирли ниқоб» асари асосида саҳналаштирилаётган трагедияни мустақиллик куни арафасида томошабинлар ҳукмига ҳавола қилишади. Юртимизда биронта тўй карнай-сурнай, миллий чолғу асбобларисиз ўтган эмас. Бу тантаналарда ҳам Н. Турсунматов, Қ. Раимов ва Ф. Маматқуловлар раҳбарлигидаги дасталар муносиб хизмат кўрсатишга тайёргарлик кўришяпти. Бир сўз билан айтганда мустақиллик куни ҳамма жойда зўр шодиёналар бўлишига ишончимиз комил.

Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари бизда яна тикувчилик, бадиий тўқиш ва бадиий каштачилик тўгаракларида фаолият кўрсатяпти. Бу тўгаракларимиз иши шаҳримизда кенг оммалашган бўлиб, уларда шаҳримизнинг турли жойлари, ҳатто яқин вилоят туманларидан келган қизлар ҳунар ўрганиб қайтадилар. Бу ерда ҳар йили мингдан ортиқ аёлларга гувоҳнома берилаяпти. Тўгаракларга раҳбарлик қилаётган ўқитувчилар хизматидан ҳамма мамнун. Ҳозир 40 гуруҳда бичиш-тикиш, бадиий тўқиш ва каштачилик сирлари пухта ўргатилаяпти.

Муҳаррам Абдуллаева, Муаззам Аҳмедова, Рашида Умаралиева, Мавлуда Абдураҳмонова, Саодат Эгамбердиева, Матлуба Ҳасанбоева сингари тажрибали ўқитувчилар раҳбарлик қилаётган гуруҳларга ташвиқотнинг кераги йўқ. Улар 35—40 йиллардан буён шу ерда меҳнат қилиб, аёлларга касб сирларини пухта ўргатиб келаётганлари туфайли ўқувчилар ҳурматини қозонишган.

Хулоса қилиб айтганда, ходимларимиз аҳолига маданий хизмат кўрсатишни намунали ташкил этиш учун бор имкониятлардан фойдаланишаяпти.

Ҳикматилла МАҲКАМОВ.

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг хроникал ҳужжатли фильмлар студиясида «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» тўлиқ метражли ҳужжатли фильмининг монтажи тугалланиш арафасида. Фильмнинг мавзу марказига Президентимиз Ислом Каримовнинг худди шу номдаги рисоласи асос қилиб олинган. Унда мустақил республикамизнинг халқ хўжалиги, маданияти, санъати, шу пайтга қадар барча соҳадаги эришган ютуқлари ўз аксини топган. Худди шунингдек, фильмда архив ҳужжатлардан ҳам фойдаланилган. Фильм премьераси мустақиллик байрами арафасида намойиш этилади.

СУРАТЛАРДА: фильм режиссёри Темур Аҳмадхўжаев монтаждан кейинги тасвирни кўздан кечиряпти; монтажчи Мамлакат Шукурбекова иш устида.

Андрей Пишненко суратлари.

Шунақаси ҳам бўлади

ЎЗАРО хат ёзишмаларида шартли белгиларни қўллаш қадимдан расм бўлиб келмоқда. Махфий шартли белгилар билан боғлиқ кўпгина тарихий воқеалар, қизиқ-қизиқ эсдаликлар ва кашфиётлар ҳам маълум.

Бундан 73 йил муқаддам ноёб ва эски китоблар билан савдо қилувчи нью-йорклик машҳур китобфуруш Войнич Италияга борганида талайгина қадимий қўлёзмалар сотиб олди. У ана шу қўлёзмалари бир бошдан варақлаб чиқар экан, XIII асрнинг машҳур инглиз олими ва файласуфи монах Рожер Бэкон дастхатига мансуб бўлган каттагина китоб қўлёзмасига кўзи тушиб қолди.

Войнич уни ҳар қанча синчиклаб ўқимасин, барибир ҳеч нима тушуна олмади. Чунки китоб бошдан-оёқ қандайдир. чала-чулпа сўзлардан иборат эди: муаллиф баён этаётган ўз фикрини шу белги ва чала-чулпа сўзлар орқали ифодаламоқчи бўлган.

Буни қарангки, энг қийин махфий шартли белгилар шаклида ёзилган матнларнинг мазмунини тўла аниқлай олган мутахассислар ҳам Бэкон қўлёзмасига келганда лом-мим деёлмай қолдилар.

Аммо бу билан Войничнинг кўнгли таскин топмади. Қўлёзманинг баъзи саҳифаларидаги матннинг чеккаларида ҳар турли ўсимликлар, илдизпоялар, бир неча хил уруғлар расми, мунажжимликка оид белгилар, юлдузлар туркумининг жадвали бор эди. Войнич бу муаммога йирик биолог ва астроном олимларни ҳам жалб этди. Ахийри, ўрта аср фалсафаси ва фанини яхши билган Уильям Ньюболдгина Бэкон қўлёзмасининг расмли саҳифаларини тилга киритди.

Ньюболднинг расмларга берган изоҳларга асосланиб айтган фикрига қараганда, Бэкон бу китобда ҳужайралар ва ҳатто, сперматозоидни микроскоп остида катталаштириб тасвир этган экан. Воажаб, ахир микроскопни 1677 йилда голландиялик биолог Антони ван Левенгук ихтиро қилган, деб ҳисоблаймиз-ку! Бунисиғам майли-я, XIII аср монахи спиралсимон туманликни ҳамда Қуёш тўла тутилганда кўринаётган турадиган қуёш гардишини ҳам чизган. Фанда эса булар ҳақида орада олти аср ўтгандан сўнггина фикр юритила бошланди.

Анвар ОБИДОВ тайёрлади.

** Нашриёт туҳфалари*

ФОЙДАЛИ АДАБИЁТЛАР

МАКТАБ таълимида тасвирий санъат, мусиқа ва чизмачилик фанлари етакчи ўринни эгаллайди. Ана шу фанлардан машғулотлар уюштиришни янада яхшилашга қаратилган ўқув қуролларининг тайёрланаётгани қувонарли бир ҳолдир.

Республикамиз мактаблари чизмачилик ўқитувчилари учун махсус тайёрланган «Мактабда чизмачилик ўқитиш» концепциясининг лойиҳаси муҳим маърифий йўл-йўриқ ҳужжати янглиғ юзага келди. Ушбу концепция лойиҳаси ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашларида тасвирий санъат, мусиқа ва чизмачилик ўқитувчилари шўъбасида атрофлича кўриб чиқилади.

Чизмачилик ўқитувчилари янги ўқув йили олдидан янги методик адабиётларга ҳам эга бўлдилар. «Мактабда чизмачилик ўқитиш» деб номланган қўлланмани тайёрлашда илғор педагогларнинг бой иш тажрибаларига асосланилди.

Бундан ташқари «Мактабда чизмачилик ўқитишни такомиллаштириш» деган услубий адабиёт яратилди. Мактабларнинг 7—8-синфлари ўқувчиларига мўлжалланган «Машқ дафтари» китоби босилиб чиқди.

Ана шу фойдали адабиётлар «Ўқитувчи» нашриётининг муаллимларга яхши совға бўлди.

Акром АҲМЕДОВ.

** Жамият ва қонун*

ҲАЁТДА АДАШМАНГ

ҲАЁТДА ҳар бир киши янглишиши ва қоқилиши мумкин. Айниқса ҳали том маънода ҳаётни англаб етмаган қизиққон ёшлик даврида бу ҳол кўпроқ учраб туради. Баъзан арзимаган хато ҳам бир умр тузатиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши, киши тақдирини забун қилиб қўйиши мумкин. Шуларни ҳисобга олиб бола руҳиятининг бузилмаслиги, ёмон муҳитга тушиб қолиб ҳаёти бир умр издан чиқиб кетмаслиги учун аксарият ҳолларда жамоат учун хавф туғдирмайдиган енгил жиноятларга қўл урган, (асосан ўғирлик қилган) биринчи марта судланаётган ёшларнинг оилавий шароитлари ҳисобга олинган ҳолда суд ҳукмидан сўнг махсус комендатурада озодликдан тўла маҳрум этилмаган ҳолда мажбурий меҳнатга жалб қилиш усули қўлланади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бундай усул ўзини оқлаяпти. Шаҳримизда ҳозир шундай махсус комендатураларнинг тўрттаси фаолият кўрсатмоқда.

Куни кеча шаҳримизнинг Юнусобод туманида туман Ички ишлар бошқармасининг 1-махсус комендатурасида ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилиш бўлди. Унда жамоатчилик вакиллари, 5у ерда муддатни ўтаётган болаларнинг ота-оналари ҳам иштирок этишди.

— Жорий йилнинг олти ойи мобайнида махсус комендатура ходимлари томонидан маълум ишлар амалга оширилди, — дейди сўзга чиққан 1-махсус комендатуранинг бошлиғи, милиция майори Баҳодир ака Исҳоқов. — Ўтган муддат ичида шартли равишда жазога маҳкум этилганлар томонидан қайта жиноят қилиш ҳоллари рўй бермади.

Шартли ҳукм этилганлар меҳнатини тўғри ва унумли ташкил этиш мақсадида комендатура «Ғиштчи» ширкати ва Тошкентдаги республика руҳий касалликлар шифохонаси билан шартнома асосида ўзаро алоқа боғлаган. Унга кўра йигитлар ширкатда меҳнат қилиб халқ хўжалиги равнақига ўз ҳиссаларини қўшишса, шифохонада санитар сифатида тартиб ўрнатишда маъмуриятга яқиндан ёрдам беришади.

Шу боисдан ҳисобот мажлисида Республика руҳий касалликлар шифохонасининг бош шифокори Абдунаби Абдуназаров, унинг ўринбосари Р. Бобоев ҳамда бўлим бошлиғи С. Гордиевскийлар ҳам қатнашиб шартли ҳукм қилинганлар иш фаолиятидаги ютуқ-камчиликлар ҳақида қимматли фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар. Сўнг эса фарзандларнинг ота-оналарига сўз берилди. Йиғилиш сўнгида ота-оналар комитетини тузиш ҳақида таклиф киритилди.

Яқинда комендатура ҳудудидаги пастқам ер турли чиқинди ва ўтўланлардан тозаланиб, шу ердаги болаларнинг кучи билан шинамгина ўйингоҳ барпо этилибди. Ҳозир бу ерда болалар ишдан бўш вақтларида спортга ошно бўлиб футбол, волейбол ўйнашаяпти. Янги ошхона қурилиб, яшаш хоналари таъмирдан чиқарилибди. Қувонарли томони шундаки, мазкур комендатура намуналиларидан ҳисобланиб, унинг иш тажрибалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан республикадаги комендатураларга тадбиқ этиш учун тарқатилган. Энг муҳими, таниявий ишлар тўғри йўлга қўйилганлиги туфайли 1992 йилдан бери бу ерда такрорий жиноят содир этиш ҳоллари юз бермаган.

— Биз Республика Ички ишлар вазирлиги бешинчи бошқармаси, пойтахт ИИББ ахлоқ тузатиш ишлари бўлими, Юнусобод тумани ИИБ билан доимий ҳамкорликда уларнинг ғамхўрликлари остида фаолият кўрсатяпмиз, — дейди биз билан суҳбатда комендатура бошлиғи Б. Исҳоқов.— Бу ердагиларнинг ўртача ёши 22 да Дастлаб келганда улар билан биттама-битта дилдан суҳбатлашамиз, оилавий шароитлари билан танишамиз. Албатта, айбиға иқрор бўлиб, қилган хатоларини тушуниб, ҳалол меҳнат билан жамият учун фойдали инсон бўлиб етишаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Комендатурада тартиббузарликларни амалга оширмаса ҳамда иш жойида ҳалол меҳнат қилиб, жамоат ишларида, фаол қатнашса муддатидан олдин шартли бўшатиш усулини қўллашимиз мумкин. Бунда бола муддат охиригача уйида юради.

Биз ёшлар тақдири, ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг камайиши учун нима ишлар қилиниши лозимлиги хусусида узоқ суҳбатлашдик. Ва шундай хулосага келдик: авваламбор ҳар бир кишининг тақдири ўз қўлида, ҳаётда бир марта қўпол янглишиб бир умр азоб тортмаслик учун фақат тўғри йўлдан юриб, ҳалол ва пок яшашга интилиш керак.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

** Жиноят жазосиз қолмайди*

САМАРА БЕРАЁТГАН «ҲАШАР»

МИРЗО Улуғбек тумани ички ишлар бошқармасида «Ҳашар» деган тадбир ўтказилиб, у одатдаги кўчат экиш, бирор бино қуриш ёки тозалаш ишларидан кескин фарқ қилди. Икки кечаю икки кундуз узлуксиз ўтказилган бу тадбирда жиноятчиликнинг барча турига қарши кураш ўз ифодасини топди. «Ҳашар»дан кўзланган мақсад хусусида шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг жиноятнинг олдини олиш бўйича ўринбосари, милиция подполковниги Шарифхон Умархонов шундай деди:

— Бошқармамиз шаҳримизда жиноятчиликнинг барча турига чек қўйиш мақсадида «Ҳашар» тадбирини бошлаб юборди. Унда шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг бир гуруҳ ходимлари туман ички ишлар бошқармасига ёрдамга келиши режалаштирилган. «Ҳашар»нинг биринчи кунида шаҳар бош бошқармасидан 375 ходим, туман ички ишлар бошқармасидан эса 405 ходим иштирок этаётир. Шунингдек биз бу тадбирга Тошкент Олий милиция мактаби талабаларини ҳам жалб этдик...

Кўрсатмалар бериш тугади, саф тортиб турган тартибни сақлаш посбонлари «Ҳашар»нинг навбатдаги босқичига киришдилар. Вақт ўтиб боряпти, босқич тугаллангунга қадар туман чиғириқдан ўтказилгандек текширилиши шарт. Биз эса тумандаги 4-шаҳар милиция бўлимининг 4-таянч нуқтасига йўл олдик. Бу — катта назоратчи милиция майори Саъдулла Мирзаакромов-ҳудуд нуқтаси.

— Ўтган босқич давомида 2 та майда безорилик, 6 та ичкиликбозлик, 4 та паспорт тартибининг бузилиши ҳамда 2 та ажнабийнинг ҳужжатсиз яшаётгани қайд этилди, — дейди милиция катта лейтенанти Маҳубат Гаджиев. Бу кўрсаткичлар одатдагиларидан фарқ қилади. Демак, «Ҳашар» ўзининг ижобий томонларини кўрсата бошлади.

«Ҳашар»нинг биринчи куни тугади. Кун давомида содир этилган 14 жиноятнинг 12 таси иссиғида очилди. Булар: 3 та шахсий мулкни ўғирлаш, 5 та балоғат ёшига етмаганларни жиноятга жалб этиш ҳоллари, 2 та безорилик, 1 та «Рига» мопедини олиб қочиш ва 1 та тан жароҳати етказиш. Булардан ташқари 11 та майда безорилик, 116 та паспорт тартибининг бузилиши, 102 та ичкиликбозлик, 66 та автомобиль назорати бўйича қонунбузарлик ҳолатлари устидан маъмурий жазо чоралари кўрилди. Асосий эътибор муқаддам судланганларнинг турмуш тарзига қаратилгани туфайли 202 киши назоратдан ўтказилди. Натижада муқаддам судланган бир киши маъмурий назорат остига олинди, яна бир киши жиноятга учинчи бор қўл урган пайтда ушланди.

Бундай тадбирнинг ўтказилиши яхши натижалар бермоқда. Содир этилиши мумкин бўлган жиноятлар ўз вақтида олди олинмоқда. Милиция ходимларининг ҳушёрликлари туфайли шаҳардаги баъзи бир бетартибликлар аён бўлиб, уларга лозим бўлган чоралар кўриляпти.

Мажид РАИМОВ.

Ҳар тўғрида

Швейцариянинг Базель шаҳрида соат механизмлари ва заргарлик буюмларининг анъанавий Европа ярмаркаси ўтказилди. Унда жаҳондаги 22 мамлакат ўзининг 2.000 дан ортиқ ноёб маҳсулотлари билан қатнашди.

СУРАТДА: «Хитами» фирмасининг соатлари мана шундай реклама қилинди.

Европанинг тоғли мамлакатлари аҳолиси учун Альп шохи анъанавий мусиқа асбоби ҳисобланади. Швейцариялик Эдвард Амон ва унинг ўғли Патрик ушбу мусиқа асбобини биргаликда чалиш мақсадида икки кишига мосладилар. Албатта бунда узунлиги 3—4 метр бўлган асбобнинг овози бирмунча ўзгарди.

Кейстон — РАТА—ТАСС суратлари.

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

8-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Агар Сиз Ўрта Осиёдаги энг йирик корхоналардан бири бўлмиш Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлашни ёки Тошкент Давлат Техника университетида ўқишни хоҳласангиз

8-ТАЖРИБАВИЙ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

ЎҚИШГА КЕЛИНГ!

Бу ўқув даргоҳида Сиз учиш аппаратларини йиғувчи-чилангар, кенг қамровли дастгоҳчи, автомобилларга техника хизматини кўрсатувчи чилангар, «В» ва «С» тоифали ҳайдовчи, авточилангар-механик-йиғув ишлари чилангари, саноат ускуналарини таъмирловчи чилангар-авточилангар, рақамли дастур воситасида бошқариладиган дастгоҳларнинг операторлари, механик-йиғув ишлари бўйича чилангар-токарь, фрезерчи.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

9-синфларнинг битирувчилари 3 йил мобайнида ўрта маълумот ва касб эгалланадиган тажрибавий гуруҳларда таълим оладилар.

8-9-синфларнинг битирувчилари бир ва икки йиллик гуруҳларда ўқиб, ишчи малакасини эгаллайдилар.

11-синфларнинг битирувчилари ойига 3000 сўмдан стипендия олган ҳолда атиги 6 ой ичида касб-ҳунар эгаси бўлиб чиқишади.

Ўқиш даврида ўқувчилар овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Улар Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг пансионатлари ва сиҳатгоҳларида дам олиб, ўз соғлиқларини тиклаб олишлари мумкин.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИГА ҚУШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини «аъло» баҳолар билан битирганлар Тошкент давлат Техника университетига ва учувчилик авиация билим юртларига ўқишга юборилдилар.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган, бошқа шаҳарлик ўқувчиларга Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг қулай ва шинам ётоқхонасидан жой берилади.

ДИҚҚАТ ҚИЛИНГ! ЭЪТИБОР БЕРИНГ!

Билим юртимиз шаҳар марказида жойлашган бўлиб, унга 10, 23, 27-трамвайлар; 18-автобус; 1, 10, 14, 18, 22, 24-троллейбусларда осонгина бориш мумкин («Турон» меҳмонхонаси бекати).

Манзилимиз: 700128, Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, Авиация тор кўчаси, 10-уй. **Телефон** 41-75-54.

3-ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

Кондуктор, трамвай ҳайдовчилари ва электрчи чилангарларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Агар сиз трамвай ҳайдовчи, электр чилангар касбига эга бўлмасангиз, у ҳолда бу касбларни Сиз

ДЕПОДА ЖОЙЛАШГАН

23-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДАГИ

курсларда ўқиб

(20 ёшдан) БИЛИМ ОЛИШингиз МУМКИН.

Трамвай ҳайдовчиси касбига ўқиш муддати — 5 ой; электр чилангарларга — 3 ой.

Курс ўқувчиларининг ўқиш давомидаги стипендиялари — 9.465 сўм, трамвай ҳайдовчиларининг тажриба муддатини ўташ даврида — 13.354 сўм.

БИЗДА ИШЛАСАНГИЗ:

КОНДУКТОРЛАР — 20.000 сўмгача;

ТРАМВАЙ ҲАЙДОВЧИЛАРИ — 55.000 сўмгача;

ҲАРАКАТ ТАРКИБИ ТАЪМИРИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТР ЧИЛАНГАРЛАР — 36.000 сўмгача иш ҳақи олишингиз ва қуйидаги имтиёзларга эга бўлишингиз мумкин:

ТРАМВАЙ ҲАЙДОВЧИЛАРИ: аёллар 50 ёшдан, эркаклар 55 ёшдан пенсияга чиқади,

6 кунгача бўлган қўшимча таътилга;

трамвай-троллейбусларда бепул юриш ҳуқуқига эга бўласиз;

йиллик иш якунлари бўйича 13 ва 14-маошларни оласиз;

жисмоний соғломлаштириш мажмуасида шуғулланишингиз;

Сирдарё бўйидаги дам олиш масканида дам олишингиз;

— фарзандларингиз ёзги соғломлаштириш лагерларида дам олишлари мумкин.

Бизнинг манзилимиз: Темур Малик кўчаси, 3 «а» уй.

БИЗГА: 17, 71, 83, 96-автобуслар, 6, 13, 22-трамвайлар, 9, 18-троллейбуслар билан («Чимён» бекатигача) келишингиз ёки қуйидаги телефонлар орқали қўнғироқ қилишингиз мумкин: 63-28-97—**ходимлар бўлими**, 63-38-95—**қабулхона**, 63-38-93 — **23-ХТБЮ.**

Д И Қ Қ А Т!

Тошкент шаҳар фуқаролари, контейнерларга жойланган уй буюмларига ҳужжатларни расмийлаштиришда воситачилар хизматидан фойдаланманг.

Ҳужжатларни расмийлаштириш ва контейнерлар олиш учун. «ТОШКЕНТ-ТОВАР» станцияси маъмурий биносининг 2-қаватидаги маълумотлар бериш бюросига мурожаат қилинг: Фарғона йўли кўчаси, 13/11 уй. Телефон — 32-11-53.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ

РЕСПУБЛИКА ДИАГНОСТИКА МАРКАЗИ

чет эл тиббий техникаларини созлаш, таъмирлаш ва IBM—ЭҲМларини ишлатиш бўйича электрон-техника соҳасида иш тажрибаси бор ёш мутахассисларни

ТАНЛОВ АСОСИДА ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Маош келишилган ҳолда белгиланади.

Мурожаат учун телефон: 45-67-54.

Манзилгоҳ: Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 3-уй («Ўзбекистон» метро бекати).

Шайхонтоҳур тумани саноат комбинатининг йўқолган ДУМАЛОҚ МУҲРИ ВА ШТАМПИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ҳамза тумани улгуржи-чакана мева-сабзавот идораси жамоаси шу идорага қарашли 3-сон омбор мудири Фахриддин Ғуломовга отаси

Музаффар ҒУЛОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 600101.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет. Қоғоз бичими А—2 Нашр кўрсаткичи 64690.

■ Босмага бериш вақти 11.30

■ Босмага берилди 12.10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.